

# Гендер зўравонликка жавобан ижтимоий хизматларни тақдим этишнинг

## СТАНДАРТ ОПЕРАЦИОН ИШ ТАРТИБЛАРИ



Ушбу стандарт операцион иш тартиблари гендер зўравонлик жабрланувчиларига ихтисослаштирилган хизматлар кўрсатадиган шахслар учун мўлжалланган

Мазкур ҳужжатдан ижтимоий хизмат кўрсатишда иштирок этувчи давлат ташкилотлари ва муассасалари, инқироз марказлари ва шёлтерлар ходимлари фойдаланишлари мумкин



Гендер зўравонликка жавобан  
ижтимоий хизматларни  
тақдим этишнинг

СТАНДАРТ  
ОПЕРАЦИОН ИШ  
ТАРТИБЛАРИ

Baktria press

Тошкент –2021

УЎК 364.632/.634  
КБК 60.54

Г 34

Гендер зўравонликка жавобан ижтимоий хизматларни тақдим этишнинг стандарт операцион иш тартиблари [Матн] : йўриқнома / тузувчи Д. Б. Амиркулова. - Тошкент : Baktria press, 2021. - 48 б.

Мазкур “Гендер зўравонликка жавобан ижтимоий хизматларни тақдим этишнинг Стандарт операцион иш тартиблари” Репродуктив саломатликни сақлаш бўйича Шарқий Европа институтининг (ШЕРСИ), Руминия (Бош координатор: Ионела Хорга) мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган материалларга асосланган ва Ўзбекистон Республикасининг миллий контекстига мослаштирилган.

«Гендер зўравонликка жавобан ижтимоий хизматларни тақдим этишнинг Стандарт операцион иш тартиблари» Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича Комиссиясининг 16 июль 2020 йил 4-сонли баёни (17–18-бандлар) билан амалиётга тадбиқ қилиш учун тасдиқланган.

**Ҳужжатнинг адаптацияси бўйича мутахассис:**

Амиркулова Дилдора Бобокуловна — “Умид” ташаббусларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш маркази директори, UNFPA, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик Жамғармаси миллий маслаҳатчиси.

Ҳужжат UNFPA/БМТнинг Аҳолишунослик Жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан нашр этилган, 2021 й.

Ушбу нашрда акс эттирилган кўрсатма ва ёндашувлар ҳужжатни адаптацияси бўйича мутахассисларга тегишли ва UNFPA, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибидаги ташкилотларнинг муносабатини акс эттирмаслиги мумкин.

# Мундарижа

<b>АТАМАЛАР ЛУҒАТИ.....</b>	<b>4</b>
<b>ҚИСҚАРТМАЛАР .....</b>	<b>7</b>
<b>1. ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИККА ИДОРАЛАРАРО ЖАВОБ ҚАЙТАРИШНИНГ АСОСЛАРИ .....</b>	<b>8</b>
1.1. Мақсад ва вазифалар.....	8
1.2. Қўлланилиши .....	8
1.3. Гендер зўравонликка жавобан фаолиятнинг асосий принциплари .....	9
1.3.1. Гендер зўравонликка жавобан идоралараро ҳамкорликнинг асосий принциплари ...	9
1.3.2. Гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчилари билан ишлаш принциплари.....	10
1.4. Гендер зўравонликни бошидан кечирганликни /кечираётганлигини кўрсатувчи белгилар ва хулқ-атвор.....	12
1.4.1. Гендер зўравонликни бошидан кечирганликни/кечираётганликни кўрсатувчи белгилар .....	12
1.4.2. Гендер зўравонликни бошидан кечирганликни/кечираётганлигини кўрсатувчи хулқ-атвор .....	12
1.5. Гендер зўравонлик жабрланувчиси билан ўзаро муносабат қандай бўлиши лозим. ....	13
<b>2. ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИК ЖАБРЛАНУВЧИСИГА ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ХИЗМАТЛАР БЎЙИЧА СТАНДАРТ ОПЕРАЦИОН ИШ ТАРТИБЛАРИ.....</b>	<b>15</b>
2.1. Гендер зўравонликни аниқлаш ва гендер зўравонлик жабрланувчисини идентификация қилиш .....	15
2.2. Гендер зўравонлик ҳодисасини баҳолаш.....	17
2.3. Хизмат тақдим этиш.....	18
2.3.1. Инқирозли маслаҳат .....	19
2.3.2. Хавфсиз бошпана .....	19
2.3.3. Узоқ муддатли мажмуавий ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маслаҳат бериш ва бошқа қўшимча хизматлар .....	20
2.3.4. Хавфларни бошқариш ва баҳолаш .....	21
2.4. Гендер зўравонликни ҳужжатлаштириш.....	22
2.5. Қайта йўналтириш (бошқа хизмат тақдим этувчиларга йўналтириш).....	23
<b>МАВЗУГА ОИД РЕСУРСЛАР/ҲУЖЖАТЛАР .....</b>	<b>25</b>
<b>1-илова. Даствабки скрининг учун хизмат тақдим этувчи томонидан гендер зўравонлик инцидентини/ҳодисасини рўйхатга олиш шакли .....</b>	<b>26</b>
<b>2-илова. Гендер зўравонлик даражаси идентификациясининг жадвали .....</b>	<b>34</b>
<b>3-илова. Гендер зўравонлик жабрланувчисига узоқ муддатли ёрдам кўрсатиш режаси.....</b>	<b>37</b>
<b>4-илова. Жинсий (интим) шериклари ёки бошқа оила аъзолари томонидан зўравонликка учраган хотин-қизлар учун шахсий хавфсизлик режаси.....</b>	<b>47</b>
<b>5-илова. Гендер зўравонлик жабрланувчиларини бошқа хизмат тақдим қилувчиларга йўналтириш мумкин бўлган ташкилот ва муассасалар каталоги/маълумотлар базаси .....</b>	<b>48</b>

## АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

**Зўравонлик** — шахсга/шахслар гуруҳига нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик).

**Тазйиқ** — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик.

**Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик** — бу хотин-қизларга жисмоний, жинсий ёки руҳий зарар етказадиган ёки азобланишига олиб келадиган, шу жумладан, ҳам жамият ҳаётида, ҳам шахсий ҳаётда бундай ҳаракатларни содир этиш билан таҳдид қилиш ёки ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган гендерга асосланган зўравонлик ҳаракати.

**Гендер зўравонлик** — хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг асосда ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишини жиддий чекловчи камситиш шакли (БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси (CEDAW), Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик тўғрисидаги 19-сонли умумий тавсиялар, 1-банд).

**Гендер зўравонлик/тазйиқдан жабрланувчи (гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчи)** — ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазйиқ ва зўравонлик натижасида жабрлангангани, шу жумладан 18 ёшга тўлмаган, аёл жинсидаги шахс.

**Зўравонликни содир этувчи шахс** — бошқа шахсга нисбатан зўравонлик хатти-ҳаракатини тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлайдиган ёки унинг иродасига қарши бошқача тарзда суиистеъмолликлар содир этувчи шахс, гуруҳ ёхуд ташкилот. (Гендер зўравонлик бўйича гуманитар операцияларнинг асосий принциплари: фавқулудда вазиятларда жинсий зўравонликнинг олдини олиш ва унга жавоб чораларини кўриш).

**Оиладаги зўравонлик** — бу оила аъзоси бўлган шахс томонидан уйда ёки жамоат жойида содир этилиши мумкин бўлган жисмоний, руҳий, иқтисодий, жинсий зўравонлик ҳаракатларининг барчаси (Европа Кенгаши, Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисидаги конвенция, СЕЦ № 210).

**Вояга етмаганларнинг никоҳи** — ўғил болалар ва қиз болалар учун қонун билан чекланган ёшгача расмий ёки норасмий никоҳ. Одатда, бу ҳолатлардан қизлар кўпроқ азият чекади (ЮНИСЕФ, Вояга етмаганларнинг никоҳлари, 2012).

**Иш жойи** — ўзи билан тузилган шартномага мувофиқ меҳнат мажбуриятларини амалга ошириш ёки хизмат вазифаларини бажариш учун бўлиши ёки бориши лозим бўлган, иш берувчи томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган жой.

**Жисмоний зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик.

**Иқтисодий зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

**Руҳий зўравонлик** — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тўхмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек, уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравон-

ликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

**Жинсий зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш.

**Жинсий шерик** — жинсий ҳаётдаги шериклар, улар ўртасидаги муносабатлар расмий (рўйхатдан ўтказилган ёки фуқаролик никоҳида яшайдиган эр-хотинлар) ёки норасмий (ошук-маъшуклар ёки тасодифий жинсий алоқа) бўлиши мумкин.

**Жинсий шерик томонидан зўравонлик** — бу бутун дунёдаги аёллар бошидан ўтказадиган зўравонликнинг энг кенг тарқалган зўравонлик шакли бўлиб, у ҳозирги вақтдаги ёки собиқ жинсий шериги томонидан аёлларга ва ўсмир қизларга уларнинг розилигисиз қўлланиладиган жинсий, руҳий ва жисмоний хусусиятларга эга қатор мажбурлаш ҳаракатларидан иборат.

**Жинсий таҳқирлаш/шилқимлик** — гендер зўравонликка учраган шахс билан қандай муносабатда эканлигидан қатъи назар ҳар қандай шахс томонидан ҳар қандай ҳолатда, шу жумладан уйдан ташқарида ва иш жойида мажбурлаб содир этилган ҳар қандай шахвоний ҳаракат, жинсий алоқага киришишга уриниш, номақбул шахвоний изоҳлаш ёки хушомадгўйлик қилиш ёхуд трафик ҳаракатлари ёки бошқача тарздаги шахвоний ҳаракатлар (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, 2002, Зўравонлик ва саломатлик ҳақида бутунжаҳон маърузаси).

**Зўрлаш/зўрлашга уриниш** — жисмоний куч ёки бошқа йўллар билан мажбурлаш орқали эркак жинсий олатини, шунингдек тананинг бошқа қисмлари ёки буюм билан ҳатто бироз бўлса ҳам қинга ёки анусга киритиш. Бундай ҳаракатлар жинсий зўрлашга уриниш ҳисобланади (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), 2002 йил, Зўравонлик ва саломатлик ҳақида бутунжаҳон маърузаси).

**Одам савдоси** — одамларга таҳдид қилиш, куч ишлатиш ёки мажбурлашнинг бошқа шакллари, жумладан, ўғирлаш, фирибгарлик, алдов, ваколатни суиистеъмол қилиш ёки лавозимдан фойдаланиш ёки пора бериш орқали, бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун одамларни ишга олиш, ташиш, топшириш, яшириш ёки эксплуатация қилиш. Эксплуатация, ҳеч бўлмаганда, бошқа шахсларни фоҳишабозлик ёки жинсий эксплуатация қилишнинг бошқа шаклларига мажбурлаш, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки шунга ўхшаш урф-одатлар, эрксизлик ёхуд зўрлик йўли билан одамни ўз ички органларидан маҳрум қилишни ўз ичига олади (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш Конвенцияси томонидан тасдиқланган Одам савдосига қарши курашиш ва ундан огоҳлантириш бўйича Баённома).

**Жинсий эксплуатация** — шахвоний мақсадда ҳолатнинг заифлигидан, ҳукмронлик ёки ишончни, шу жумладан, бироқ бу билан чекланмасдан бошқа инсонни жинсий эксплуатациясидан пулли, ижтимоий ва сиёсий фойда олишда ҳар қандай суиистеъмол ёки суиистеъмолликка уриниб кўриш. (БМТ Бош котибининг жинсий эксплуатация қилиш ва таҳқирланишдан ҳимоя қилиш бўйича бюллетени (PSEA) (ST/SGB/2003/13).

**Тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш** — хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан холи бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими.

**Тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш** — хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чора-тадбирларни талаб қиладиган ҳаётий вазиятлар юз берганда хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг такроран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадидаги иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа тусдаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тизими.

**Гендер зўравонлик жабрланувчисига тақдим этиладиган асосий хизматлар** — хотин-қизларга нисбатан зўравонликни бошдан кечираётган ҳар қандай аёл, қиз ёки боланинг ҳуқуқлари, хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун минимал даражада талаб қилинадиган хизматларнинг асосий тўплами. Гарчи асосий



хизматлар ҳар бир мамлакат ёки турли жойларда бир хил тарзда тақдим этилмаса-да, улар соғлиқни сақлаш, психологик қўллаб-қувватлаш, ижтимоий таъминот ва фаровонлик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ижтимоий хизматлар кўрсатувчи каби давлат ташкилотлар мутахассисларнинг хизматлари сингари универсал хизматлар комбинациясини ўз ичига олади.

**Қайта йўналтириш** — гендер зўравонлик жабрланувчисининг ўз иши хусусида индивидуал мутахассис ёки муассаса билан алоқага қириш жараёни, ҳамда мутахассислар ёки муассасаларнинг жабрланувчини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъминлаш мақсадида биргаликда мулоқот қилиш ва биргаликда ишлаш жараёни саналади. Қайта йўналтириш тармоғидаги ҳамкорлар, одатда, турли давлат идоралари, хотин-қизлар ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқаларни ўз ичига олади (ЮНФПА 2010).

**Қайта йўналтириш тизими** — гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчиларнинг ҳимоясини таъминлаш ва ёрдам бериш, уларнинг тўлиқ тикланишида ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтиришда, гендер зўравонликнинг олдини олиш ва зўравонликни содир этган шахсни таъқиб қилиниши каби умумий мақсадларга эга бўлган, ҳамкорлик тармоғида пухта аниқлаштирилган ва аниқ белгиланган (айрим ҳолларда бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи) қайд этилган мажбуриятлар ва ваколатларга эга бўлган турли объектларни бирлаштирадиган мажмуавий институционал база. Қайта йўналтириш механизмлари самарали ўзаро алоқалар асосида ишлайди ҳамда аниқ ва оддий изчил қадамлардан иборат аниқ белгиланган йўллар ва иш тартибларни ўрнатадилар. (ЮНФПА 2010).

**Гендер зўравонлик ҳодисалари ҳақида ҳисобдорлик** — бир хизматлар тақдим этувчи томонидан бошқа хизматлар тақдим этувчиларга гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчини ошкор этиш; қайта йўналтириш жараёнида гендер зўравонлик ҳодисаси ҳақидаги маълумотнинг бошқа муассаса/ташкilot билан алмашинуви. Гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчи розилик ва алмашинув учун маълумотлар қўламини белгилаб бергандагина озгина истиснолар билан ҳисобдорлик амалга оширилиши мумкин.

**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматини тақдим этувчилар** — давлат/ҳукумат хизматчиси, прокуратура, ички ишлар органларининг ходими, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчи, суд маъмурияти, адвокат, адвокат ёрдамчиси, гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчига ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича ходимлари.

**Тиббий хизмат тақдим этувчилар** — мунтазам равишда тиббий хизматларни тақдим этувчи жисмоний ёки юридик шахс. Индивидуал тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт, тиббий-санитар ходими ёки бошқа соғлиқни сақлаш бўйича мутахассис ёки соғлиқни сақлаш масалалари борасида малакага эга бирон-бир ўқитилган шахс бўлиши мумкин. Тиббий хизматлар тақдим этувчи муассасаларга касалхоналар, клиникалар, оилавий шифокорлик пунктлари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, Репродуктив саломатлик маркази, перинатал марказлар, акушерлик ва гинекология, травматология, шошилич тиббий ёрдам марказлари ва бошқа хизмат кўрсатиш пунктлари киради. Бирламчи тиббий-санитар ёрдам кўрсатувчилар таркибига тиббиёт ҳамширалари, доялар, оилавий шифокорлар ва бошқа мутахассислар киради. (ЖССТнинг клиник ва сиёсий тавсиялари глоссарийидаги таърифлар).

**Психологик хизмат тақдим этувчилар** — амалий психология соҳасида махсус тайёргарликка эга бўлган ва мунтазам равишда психологик хизматлар тақдим этувчи жисмоний шахс ёки муассаса. Яқка тартибдаги психологик хизмат тақдим этувчи бўлиб, психолог-маслаҳатчи, психотерапевт ёки инқирозли вазиятларда хотин-қизларга ёрдам бериш масалаларида малакага эга бўлган бирон-бир махсус ўқитилган шахс.

**Ижтимоий хизмат тақдим этувчилар** — гендер зўравонлик жабрланувчиларнинг (ва уларнинг оиласи) оғир вазиятлардан чиқиб кетиши, маргинализацияси ва ижтимоий четланишларининг олдини олиш мақсадида уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини таъминлайдиган давлат муассасалари ва фуқаролик жамияти субъектлари, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотлари.

**Ҳимоя ордери** — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

**Инқироз маркази/гендер зўравонлик жабрланувчилари учун реабилитация маркази** — оғир турмуш шароитида бўлган хотин-қизларга (ва уларнинг фарзандларига), шу жумладан, турли шакллардаги гендер зўравонликка дучор бўлганлар ёки зўравонлик остига тушиш хавфи юқори бўлган



шахсларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга мўлжалланган давлат ёки хусусий муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари.

**Шелтер/бошпана** — гендер зўравонлик барча кўринишларидан қутулмоқчи бўлган хотин-қизларнинг (уларни фарзандларини) ҳимоялаш мақсадида кўпинча давлат муассасалари ёки жамоатчилик ташкилотлари негизда ташкил этилган вақтинчалик яшаш жойи.

**Кейс-менежмент (ёки ишни бошқариш)** — мажмуавий хизматларни тақдим этишининг тан олинган усули, бунда гендер зўравонлик жабрланувчиси инқирозли вазиятда муаммолар ечилишига ёрдам бериш мажбуриятига эга бўлган қўллаб-қувватлаш хизматларнинг диққат марказига жойлаштирилади. Бунда эҳтиёжларни баҳолаш, режалаштириш, хизматларни тақдим этиш ва мувофиқлаштириш, эришилган ижобий ўзгаришларни баҳолаш каби кейс-менежмент босқичларининг изчиллигини сақлаш мажбурий ҳисобланади ва у босқичлар қўллаб-қувватлаш хизмати ходимлари ҳамда гендер зўравонлик жабрланувчиси билан биргаликда олиб борилади.

**Аутоагрессия** — бу одам томонидан ўзига нисбатан ножўя ҳаракатларнинг амалга оширилиши. Ножўя ҳаракатлар деганда ўз жонига қасд қилиш, жароҳат етказиш, алкоголизм, гиёҳвандлик, ўзини айблаш, ўзини-ўзи ҳақорат қилиш тушунилади.

**Жароҳатдан кейинги синдром** (ЖКС, жароҳатдан кейинги стресс ҳолати — ЖКСХ) — ташқи омиллар натижасида ўта кучли шикастланадиган оғир руҳий касаллик. Зўравонлик ҳаракатлари, марказий асаб тизими фаолиятининг бузилиши, камситилиш, яқин инсонларнинг ҳаёти учун қўрқув натижасида руҳий касалликларнинг клиник белгилари пайдо бўлади.

**Руминация** (Rumination) — (психиатрияда) одам миёсида фақат бир хил фикр ёки мавзу айланиб, бошқа барча ақлий фаолият турларини гендер зўравонлик жабрланувчисидан сиқиб чиқарувчи миёга ўрнашиб қолган фикр.

**Фобияга мойил хулқ-атвор** — ҳақиқатда бўлган асосли ёки асоссиз гендер зўравонлик жабрланувчисига ўрнашиб қолган қўрқув (яъни, фобия) оқибатида атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларнинг бир усулини танлаш сифатида тавсифланади.

**Виктимизация** (лот. victim — қурбон, жабрланувчи) — жиноий тажовузкорлик жабрланувчисига айлантириш жараёни ёки якуний натижаси. Виктимизацияга жиноят содир этилган вақтда бошланадиган жараён сифатида қаралади. Юз берган воқеада “жабрланувчини айблашга” йўл қўйиш мумкин эмас.

ЖССТ таърифига кўра **суд-тиббий далиллардан** “фақат судда фойдаланиш мақсадида хужжатлаштирилган қўшимча ва аногенитал жароҳатлар ҳамда эмоционал ҳолат, шунингдек жабрланувчи шахснинг танаси ёки кийимидан олинган намуна” сифатида фойдаланилади. “Бундай далиллар сўлак, маний, соч толаси, қов супачасида ўсадиган юнг, қон, сийдик, тола, бегона ашё ва тупроқдан иборат бўлади.

## Қисқартмалар

БМТ	–	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
ЖКС	–	Жароҳатдан кейинги синдром
ЖКСХ	–	Жароҳатдан кейинги стресс ҳолати
ЖССТ	–	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
ИИБ	–	Ички ишлар бўлими
СОТ	–	Стандарт операцион иш тартиблари
ЮНИСЕФ	–	БМТнинг болалар жамғармаси
ЮНФПА	–	БМТнинг аҳолишунослик жамғармаси
CEDAW	–	“Хотин-қизларга нисбатан камситишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси

# 1. ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИККА ИДОРЛАРАРО ЖАВОБ ҚАЙТАРИШНИНГ АСОСЛАРИ

## 1.1. Мақсад ва вазифалар

Сифатли ижтимоий хизматларни кўрсатиш гендер зўравонликка жавобан мувофиқлаштирилган идоралараро ҳамкорликнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ижтимоий хизматлар зўравонликни бошдан кечириётган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган кенг қўламли хизматларни, инқирозли вазиятлар ва ёрдам кўрсатиш ҳақида маълумотни, хавфсиз бошпана билан таъминлаш ҳамда юридик ва ҳуқуқий ахборот ва маслаҳатлар беришни ўз ичига олади.

Стандарт операцион иш тартиблари гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчиларга ёрдам берадиган маслаҳатчилар деб аталадиган ижтимоий хизмат кўрсатувчиларнинг ўзаро боғлиқ ва изчил ҳаракатларининг аниқ ва батафсил тавсифини беради.

Ижтимоий хизмат кўрсатувчилар томонидан гендер зўравонлик ҳолатларига аралашувда стандарт операцион иш тартибларидан фойдаланиш мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчиларни самарали аниқлаш учун ёрдам;
- зўравонликка жавобан барча хизматлар/мажмуавий ёрдам босқичларида жабрланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва/ёки яхшилаш;
- хизматлар кўрсатиш сифати ва бир-бирига мувофиқлигини таъминлаш;
- гендер зўравонлик ҳодисаси ҳақида ҳужжатлаштириш ҳамда маълумотларни тўплаш жараёнини такомиллаштириш ва мувофиқлаштиришга қўмаклашиш;
- гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчиларга кўрсатиладиган хизматлар махфийлигининг кафолати;
- гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчиларни бошқа хизмат кўрсатувчиларга самарали йўналтирилишига қўмаклашиш; шунингдек, ижтимоий хизматларни гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчига хизмат кўрсатадиган бошқа хизматлар билан боғлаш.

Гарчанд эркаклар ва ўғил болалар жинсий зўравонликнинг бевосита ёки билвосита оқибатларидан азоб чекиши мумкин бўлса-да, стандарт операцион иш тартибларининг асосий диққат-эътибори хотин-қизларга қаратилган, чунки улар тез-тез шафқатсиз муносабат ҳамда зўравонликка дуч келишади, хотин-қизлар дуч келадиган зўравонлик шакллари, тез-тез такрорланиш даражаси ва оқибатлари эса эркаклар йўлиқадиган зўравонликдан бутунлай фарқ қилади.

## 1.2. Қўлланилиши

Стандарт операцион иш тартиблари босқичма-босқич амалга ошириладиган кундалик фаолият бўлиб, улар ҳар қандай ижтимоий хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ходимлари амал қилишлари лозим бўлган функциялар ва мажбуриятларни тартибга солувчи аниқ тартиб-қоидаларни тавсифлайди. Булар гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчилар учун ижтимоий ёрдам кўрсатишга ихтисослаштирилган давлат муассасалари ва ташкилотлари, шунингдек, гендер масалаларида фаолият олиб борувчи нодавлат ноижорат ташкилотлар бўлишлари мумкин.

Гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчиларга тақдим этилиши керак бўлган кенг қўламли параметрлар ва ҳолатларда асосий ижтимоий хизматлар қуйидагилардан иборат:

- инқирозли вазиятларда маълумот бериш;
- бошқа бевосита хизмат кўрсатувчиларга йўналтириш;
- инқирозли вазиятларда маслаҳатлар бериш;

- ишонч/ёрдам телефонлари;
- хавфсиз бошпана;
- моддий ва молиявий ёрдам;
- шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни шакллантириш, тиклаш, алмаштириш;
- юридик ва ҳуқуқий ахборот, маслаҳат бериш ва вакиллик қилиш, шу жумладан аралаш ҳуқуқий тизимларда;
- ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва маслаҳат бериш;
- хотин-қизларнинг алоҳида эҳтиёжларини қондириш учун қўшимча хизматлардан фойдаланиш имкониятларини яратилишига қўмаклашиш (ногиронлик, қонунчилик билан зиддиятлар ва бошқалар). Масалан, ногиронлик нафақасини олиш, реабилитация хизматлари, имтиёзли дори-дармонлар, даволаниш, уй-жой билан таъминланиши, адвокат ёрдами, болалар боғчалари хизматлари учун ҳақ тўлаш, ногиронлиги бўлган шахсларга қараш учун нафақалар олиниши ва бошқалар;
- зўравонликка учраган ҳар қандай вояга етмаганлар учун болалар хизматлари;
- иқтисодий мустақилликка, тикланиш ва қарам бўлмасликка ёрдам;
- жамоатчилик учун ахборот тайёрлаш, аҳолини ўқитиш ва ишлаш;
- гендер зўравонликка жавобан идоралараро ҳамкорликнинг бошқа иштирокчилари ўртасида маълумотларни тўплаш ва ахборотни бошқариш.

Гендер зўравонлик жабрланувчиларига ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг асосий принциплари:

- жабрланувчининг хизматларни олишда англанган розилиги<sup>1</sup>;
- зўравонлик ҳолати билан билан боғлиқ маълумотларнинг сир тутилиши (махфийлиги);
- жабрланувчининг алоҳида эҳтиёжларига диққат-эътибор қаратиш ва ҳисобга олиш;
- хизматлардан баҳраманд бўлиш имконияти ва бошқа хизмат тақдим қилувчиларнинг хизматларидан фойдаланиш имконияти;
- бошқа хизмат кўрсатувчиларга йўналтириш;
- хавфларни баҳолаш ва бошқариш;
- ходимларни соҳага мувофиқ тайёрлаш ва касбий кўникмаларни ривожлантириш;
- барча хизмат кўрсатувчилар ўртасида мувофиқлаштирилган ҳаракатлар;
- мониторинг, баҳолаш ва ҳисобдорлик.

Стандарт операцион иш тартибларини янада самарали амалга ошириш учун уни амалда қўллаш пайтида маслаҳатчиларни минимал тайёрланиши таъминланиши лозим. Маслаҳатчиларни ўқитиш гендер зўравонликка жавобан идоралараро ҳамкорлик, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш, тиббий, психологик ва ижтимоий хизмат кўрсатувчиларнинг гендер зўравонликка ихтисослаштирилган жавоб бериши, гендер зўравонликнинг олдини олиш ва у ҳақда хабардор қилиш каби бўлимларини ўз ичига олган кенг қамровли таълим/ўқув дастурининг бир қисми бўлиши керак.

Стандарт операцион иш тартиблари, масалан, психотерапия, ижтимоий нафақалар ва бошқа ёрдамлар гендер зўравонлик жабрланувчиларига махсус ёрдам кўрсатиш бўйича ижтимоий хизмат тақдим қилувчиларнинг муайян мажбуриятларини тавсифлашни ўз ичига олмайди.

## 1.3. Гендер зўравонликка жавобан фаолиятнинг асосий принциплари

### 1.3.1. Гендер зўравонликка жавобан идоралараро ҳамкорликнинг асосий принциплари

**Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш.** Гендер зўравонликка жавоб қайтариш гендер зўравонлик жабрланувчиларига асосий хизматлар кўрсатувчи барча давлат ва нодавлат идоралар, муассасалар ва ташкилотларнинг иштирокини ўз ичига олади.

<sup>1</sup> Англанган розилик - бу жабрланувчининг маданий хусусиятларига асосланган барча ахборотни ва маълумотларни қабул қилиш натижасида розилиги.

**Жабрланувчининг эҳтиёжларига қаратилган ёндашув.** Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш жараёнига жалб қилинган барча хизмат кўрсатувчилар учун гендер зўравонлик жабрланувчиларининг ҳуқуқлари, эҳтиёжлари ва истаклари устувор аҳамият касб этиши керак.

**Ҳамкорлик.** Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш жараёнига жалб қилинган ташкилотлар/ муассасалар ўртасида ўзаро самарали ҳамкорлик ва мувофиқлашув ўрнатилишини назарда тутати.

**Жамоавий бошқарув.** Идоралараро аралашув ва қайта йўналтириш, ҳаракатлар стратегияси ва режалари, шу жумладан, дастурларни режалаштириш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ва баҳолашга тегишли бўлган қоидалар жамоавий иштирок этиш асосида, хусусан, бенефициар (фойда олувчи)лар иштирокида (қўлланилиши мумкин бўлган ҳолларда) амалга оширилиши керак.

**Стратегик режалаштириш.** Жамиятдаги гендер зўравонлик ҳодисаси билан курашишга қаратилган сиёсат ва дастурлар ҳар бир иштирок этувчи ташкилотнинг функционал жавобгарлигини кўрсатувчи аниқ мақсадлар ва ҳаракатлар билан умумий идоралараро стратегиялар тоифасига ўтказилиши керак.

**Хизматларнинг мажмуалиги.** Аралашув ва қайта йўналтириш тартиб-тамомойиллари, шунингдек, ҳимоя чоралари ягона услубга асосланган соҳалараро ёндашувни талаб этади.

**Олдини олиш.** Самарадор кенг қамровли гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш ёндашуви ўз ичига устувор аҳамият сифатида зўравонликнинг олдини олиш ва профилактикани ҳам олади.

**Ҳисобдорлик.** Хизматларни кўрсатувчи барча ташкилотлар ва улар томонидан амалга оширилган тадбирлар ўзаро келишилган дастурлар ва қоидаларни амалга ошириш ва бажариш, ҳамда ўз фаолиятида устувор принципларга риоя қилиш мақсадида умумий маълумот базаси учун ҳисобдорликни таъминлаш.

**Барқарорлик.** Гендер зўравонликка жавобан идоралараро кенгашиб ҳаракат қилаётган муассасалар/ ташкилотлар, сиёсий ўзгаришларга, кадрлар алмашинуви ва кадрлар қизиқиши етишмаслигидан қатъи назар, барқарорлик ёндашувни амалга ошириш ва таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратишлари керак.

### 1.3.2. Гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчилари билан ишлаш принциплари

**Гендер хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ёндашув.** Хизматларни кўрсатишда тақдим этишда “гендер динамикасини<sup>2</sup>, хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг таъсири ва оқибатларини тан олиш” ёндашувни намойиш этиш керак. Ижтимоий хизматлар муайян гуруҳлар, шу жумладан, заиф (ёки махсус хизматларга муҳтож) гуруҳларга мансуб бўлган хотин-қизларнинг эҳтиёжларни ҳисобга олишлари керак. Ижтимоий хизмат кўрсатувчилар хизматларнинг истеъмолчилари турли кўринишда бўлсалар ҳам ҳурмат қилишлари, камситувчи ёндашувдан йироқ бўлишлари зарур. Бу гендер зўравонликдан жабр кўрганлар ижтимоий хизматлардан фойдаланишда тенг ва тўлиқ ҳуқуққа эга эканликлари ва ягона сифат даражасидаги кўмакни ола билишлари мумкинлигини англатади.

**Гендер зўравонлик жабрланувчиларининг иштирокига асосланган ёндашув.** Жабрланувчилар ўз манфаатлари билан боғлиқ барча қарорлар ва ҳаракатларни қабул қилишда фаол иштирок этишлари керак.

**Гендер зўравонлик жабрланувчиларига қаратилган ёндашув.** Гендер зўравонлик ҳодиса/ҳолатларга жавобан муносабат билдириш чоғида, жабрланувчининг истаклари, ҳуқуқлари ва кадр-қимматини ҳурмат қилган ҳолда, энг яхши ёндашув бу — шахсий эҳтиёжларини аниқлаш ва мақбул ҳаракатлар йўллари ҳақида қарор қабул қилишга кўмаклашадиган ҳурмат билан бойитилган шароитлар яратилиш ёндашуви ҳисобла-

---

2 Гендер динамикаси — жинс мансублиги билан боғлиқ кўрсаткичларни ўсиши, ривожланиши.

нади. Ижтимоий хизмат тақдим қилувчилар гендер зўравонликни бошдан кечирган жабрланувчиларни ўз қарорларини қабул қилишларида қўллаб-қувватлашлари керак.

**Жабрланувчиларнинг алоҳида эҳтиёжларига қаратилган ёндашув.** Гендер зўравонлик жабрланувчисида алоҳида эҳтиёж ва хизмат кўрсатилишда махсус шароитлар талаб қилиниши кузатилса, масалан, вояга етмаган, жисмоний ва ақлий ногирон, қонун билан зиддият бўлган ва бошқа, расмий ёки тайинланган васийлар/кузатувчи шахсларни иштироки таъминланиши лозим.

**Хавфсизлик ва қўриқлаш.** Ҳам жабрланувчини, ҳам ижтимоий хизмат кўрсатувчининг хавфсизлиги гендер зўравонликни бошидан ўтказган жабрланувчиларга ёрдам беришни ташкил қилиш ва кўрсатишда устувор аҳамиятга эга бўлиши керак. Гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчининг хавфсизлигини баҳолаш гендер зўравонликни идентификация қилиш босқичида, аёл ёки қиз гендер зўравонлик жабрланувчисига айланганини хабар қилган пайтдаёқ амалга оширилиши керак. Гендер зўравонлик жабрланувчининг ҳам, ижтимоий хизмат тақдим қилувчининг ҳам шахсий хавфсизлигининг баҳоланиши ҳар бир маслаҳат бериш жараёнининг бир қисми бўлиши керак. Гендер зўравонлик жабрланувчисига ижтимоий ёрдам тақдим қилишнинг дастлабки босқичида зўравонликни содир этган ёки ниятида бўлган шахс томонидан юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни ёки зўравонлик ҳаракатларини ҳисобга олиш ғоятда муҳим, бунда гендер зўравонлик жабрланувчиси, хизмат кўрсатувчи ёки унинг ҳамкасбларига зарар етказмайдиган тарзда хизмат кўрсатишни амалга ошириш мумкинлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

**Махфийлик ва сирлилик.** Махфийликка риоя қилиш ҳам гендер зўравонлик жабрланувчини, ҳам ижтимоий хизмат кўрсатувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун муҳим чора ҳисобланади. Гендер зўравонлик жабрланувчининг махфийлиги доимий равишда сақланиши лозим. Бу фақат зарур маълумотни лозим бўлган пайтда ёки сўралганда фақатгина жабрланувчининг розилиги билан алмашишни ўз ичига олади. Хизмат кўрсатиш вақтида махфийликни таъминлаш, гендер зўравонлик, уни қайд этиш, ҳисобот бериш ва ахборот алмашиш бўйича маълумотларни тўплаш — ҳам гендер зўравонлик жабрланувчиси, ҳам ижтимоий хизмат кўрсатувчи ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш хавфини камайтиради. Махфийликни сақлаш, гендер зўравонлик жабрланувчиси ёрдам сўраб мурожаат қилгани учун яна таҳдид ва/ёки зўравонликка дуч келмаслигини таъминлайди, шунингдек, ижтимоий хизмат кўрсатувчини зўравонлик ҳаракатларини содир этган шахсларнинг таҳдидларидан ҳимоя қилади.

Ижтимоий касбда махфий маълумот алмашиш, баъзи маълумотларни бошқа ижтимоий хизмат кўрсатувчиларга ва гендер зўравонликка жавобан идоралараро ҳамкорликнинг бошқа иштирокчиларга фақат «зарурат» тамойили асосида, яъни асосий инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши ёки гендер зўравонлик жабрланувчиси учун ҳолати хавfli бўлган тақдирда берилиши мумкинлигини англатади. Бу жабрланувчига олдиндан тушунтирилиши ва жабрланувчи қандай маълумот кимга етказилиши кераклигини билиши керак, шунингдек, жабрланувчининг маълумотни узатиш учун розилигини ҳам олиш керак. Агар махфийлик мажбурий билдиришнома талаблари билан таъминланмаса, жабрланувчи бу ҳақда дарҳол хабардор қилиниши керак. Жабрланувчи чекланган миқдордаги одамларгина ушбу маълумотларга эга бўлишлари ҳақида хабардор қилиниши керак.

**Англинган танлов.** Ҳар қандай ҳаракат фақат жабрланувчининг рухсати билан, англинган розилик олинганидан кейин амалга оширилиши керак.

**Камситилишнинг ман этилиши.** Ёши, ирқи, миллий келиб чиқиши, дини, жинси, яшаш жойи, лаёқатсизлиги, оилавий ҳолати, таълим ва ижтимоий-иқтисодий мақомидан қатъи назар, гендер зўравонликни бошидан кечирган барча жабрланувчилар тенгдирлар, уларга тенг муносабат кўрсатилишига ва ижтимоий хизматлардан тенг фойдаланиш имкониятига эгалар.

## 1.4. Гендер зўравонликни бошидан кечирганликни /кечираётганлигини кўрсатувчи белгилар ва хулқ-атвор

Гендер зўравонликнинг оқибатлари, айниқса психологик ва жисмоний, кўпгина ҳолларда мажмуавий кўринишда намоён бўлади. Гендер зўравонликдан етган шикаст таъсири кескин бўлиши мумкин, бироқ зўравонликнинг такрорланиши ва доимийлиги туфайли унинг оқибатлари чуқурлашиб, сурункали бўлиб қолади ва баъзи ҳолларда фожиали ҳодисаларга ёки жиддий патологияга олиб келиши мумкин.

### 1.4.1. Гендер зўравонликни бошидан кечирганликни/кечираётганликни кўрсатувчи белгилар

Гендер зўравонлик натижасида жабрланувчиларда энг кенг тарқалган психологик ва психосоматик оқибатларнинг номоён бўладиган белгилар:

- айбдорлик ҳисси, уят, ғазаб, қайғу, умидсизлик, чорасизлик, бўшлиқ, ҳолсизлик, бўғилиш ҳисси;
- доимий хавф ҳисси (жабрланувчи доим ҳушёр бўлиб туради);
- ҳамма нарсадан кўрқиб;
- ўзи ва ўзгаларга ғамхўрлик қила олмаслик;
- диққатни жамлашдаги қийинчиликлар;
- ички ёлғизлик (бегоналашув);
- режалар тузиш қобилиятини йўқотиш;
- ташаббуснинг йўқлиги, ҳаётдаги ёлғизликдан кўрқиб, ҳаётга нисбатан маъно ва қизиқишни йўқотиш;
- ўзига нисбатан ишончсизлик;
- ташвишли ҳаяжон, асабийлик;
- тахикардия;
- ошқозон-ичак фаолиятининг бўзилиши;
- уйқунинг бузилиши;
- овқатланишнинг бузилиши;
- бош оғриқлари;
- мушаклардаги оғриқ;
- низоли кайфият;
- ўз жонига қасд қилиш кайфияти.

### 1.4.2. Гендер зўравонликни бошидан кечирганликни/кечираётганлигини кўрсатувчи хулқ-атвор

Гендер зўравонликни бошдан кечирганликни/кечираётганлигини кўрсатувчи хулқ-атвор қўйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- зўравонлик ҳаракатини содир этувчи шахснинг истаклари ва талаблари билан боғлиқ зўравонлик кучайиб боришидан ҳимоя сифатида ўзини-ўзи изоляция қилиш (одамлар, жойлар, фаолият, хулқ-атвор ва муносабатларни ўзгартиришдан қочиш);
- иш жойини тез-тез алмаштириб туриш;
- ижтимоий фаолият ва бўш вақтларда фаолликнинг пасайиши;
- гендер зўравонлик жабрланувчисига зўравонлик ҳолатларини эслатиши мумкин бўлган одамлар, жойлар ёки вазиятлардан қочиш;
- ўзини ва вояга етмаган фарзандларини ҳимоя қилиш қобилиятини йўқотиш;
- журъатсизлик;
- воқеа кўлами ва унинг оқибатларини инкор этиш ҳамда камайтириш;
- ўз жонига қасд қилишга уриниш;
- ҳар қандай реал асосланган ёки асоссиз мияга ўрнашиб олган кўркувлар (фобия)дан келиб чиқиб, ташқи дунё билан ўзаро муносабат услубини танлаш билан тавсифланадиган фобик хатти-ҳаракатлар;
- қасддан ўзига ва фарзандларига тан жароҳати етказиш;
- спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилиш (спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддаларга тобе бўлиб қолинган ҳолларда).



## 1.5. Гендер зўравонлик жабрланувчиси билан ўзаро муносабат қандай бўлиши лозим

Гендер зўравонлик ҳақида саволлар бериш ҳар қандай ижтимоий хизмат кўрсатувчи учун мушкул вазифа бўлиши мумкин. Қуйидаги тавсиялар хизмат кўрсатувчига гендер зўравонлик ҳақида саволлар беришда ишончни оширишга, виктимизациядан қочишга ёрдам беради:

- зўравонлик ҳақида суриштиришда ташаббусни ўз қўлингизга олинг, жабрланувчининг ўзи ҳамма нарсани айтиб беришини кутманг. Бу сизнинг вазият учун профессионал масъулиятни ўз зиммангизга олганингизни кўрсатади ҳамда ишончли муносабатларни ўрнатишга ёрдам беради;
- оила аъзолари даврасида, дўстлар ёки фарзандлар ёнида гендер зўравонлик ҳақида саволлар беришдан сақланинг;
- гендер зўравонликни бошдан кечирган жабрланувчилар билан сабр-тоқатли бўлинг, инқироз шароитида улар зиддиятли ҳис-туйғуларга эга бўлиши мумкинлигини ёдда тутинг. Жабрланувчининг дилидагини ошкор қилишга мажбурланманг. Агар у ўзи ошкор қилишни истамаса, унга у гендер зўравонликка учраганига ишонишингизга нима сабаб бўлганлигини айтиб беринг;
- кераксиз танаффуслардан қочинг, жабрланувчи ўз ҳикоясини тугатганидан сўнг, ўзингизни қизиқтирган саволларни беринг;
- пассив тинглаш ва шарҳларни йуқлигидан тийилинг. Бу, сиз унга ишонмаслигингиз ва у ҳақ эмаслигини, балки зўравонликни содир этган шахс ҳақ деб ўйлашига олиб келиши мумкин. Унинг кечинмаларини диққат билан тингланг ва унинг ҳис-туйғулари оқланганига ишонтиринг;
- гендер зўравонлик жабрланувчиси фойдаланаётган тилни ишлатинг. Агар жабрланувчининг тили хизмат кўрсатувчи тилидан фарқ қилса, унда жабрланувчининг тилида гапирадиган бошқа хизмат кўрсатувчини ёки таржимонни таклиф қилинг;
- тил ва сўзларни жабрланувчига тушунарли даражада мослаштиринг. Жабрланувчини чалкаштирадиган профессионал жаргон ва сўз ибораларни ишлатманг;
- савол ва ибораларни хайрихоҳ оҳанг ёрдамида мақбул ва холис тарзда шакллантиринг. Очиқ саволлардан фойдаланинг ва «нима учун»дан бошланган саволлардан қочинг, улар одатда жабрланувчининг ўзи айбдор эканини англатади;
- гендер зўравонлик жабрланувчисини айбдор санаманг. “Нега сиз у билан қолмоқдасиз?”, “Зўравонлик содир этилишига сабаб булган бирон бир иш қилгандингизми?”, “Зўравонлик содир этилган жойда бир ўзингиз нима қилаётган эдингиз?”, “Қандай кийимда бўлгансиз?” деган саволлар берманг. Бунинг ўрнига уни гендер зўравонликка тоқат қилиб бўлмаслигига ишонтиринг;
- “Сиз билан бу рўй берганидан афсусдаман” ёки “Сиз ростдан ҳам кўп нарсани бошингиздан ўтказибсиз” каби ёрдамчи жумлалардан фойдаланинг, бу жабрланувчининг кўпроқ маълумотни ошкор қилишига рағбатлантириши мумкин;
- зўравонлик жабрланувчининг айби эмаслигига ва фақат зўравонликни содир этган шахс бунинг учун жавобгар эканлигига урғу беринг;
- маълумот махфий бўлиб қолишини тушунтиринг ва гендер зўравонлик жабрланувчисига махфийлик бўйича барча чекловлардан хабардор қилинишини тушунтиринг;
- жамиятдаги мавжуд маданият қоидаларига асосан алоқа ўрнатиинг;
- бутун диққат-эътиборни жабрланувчига қаратинг. Мулоқот вақтида қоғозбозлик ишларингизни бажармай туринг;
- танангизнинг хатти-ҳаракатини ҳис қилинг. Қўллар, бош, юзингиздаги ифода ва овоз оҳанги — буларнинг барчаси жабрланувчига вазиятни қандай қабул қилишингиз ҳақида аниқ хабар (сигнал) беради. Қўллаб-қувватловчи позицияни холисона ифода этинг ва жабрланувчи айтган гапларнинг ҳаққонийлигини тасдиқланг. Жабрланувчига нисбатан асабийлашиш, ишончсизлик, ёқтирмаслик ёки ғазабланишни ифодаловчи тана ҳаракатларидан қочинг;
- маданий ёки дин нормаларига асосланган жабрланувчининг хатти-ҳаракатлари ҳақида ҳукм чиқарманг, бошқалар суҳбат жараёнига аралашиларига йўл қўйманг;
- жабрланувчининг олдида унинг розилигисиз ҳамкасбларингиз билан вазиятини муҳокама қилманг.

Биринчи таассурот доимо барқарор ва муҳим таъсирга эга. Гендер зўравонликни бошдан кечирган ва ижтимоий хизматлардан фойдаланишни истаган жабрланувчида ижтимоий хизматга мурожаат қилиш ҳақидаги биринчи таассуроти бино, қабулхона ва умумий муҳитдан шаклланади. Ушбу таассурот гендер зўравонлик жабрланувчисига таъсир қилиши ва кейинги барча босқичлардан ўтишига туртки бериши мумкин. Буларнинг барчаси хизмат тақдим этувчи жабрланувчи билан саломлашишидан аввал содир бўлади.

Гендер зўравонлик жабрланувчиси билан суҳбат стол атрофида ёки ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга оширилиши керак. Столнинг турли томонларида ўтириш, жабрланувчи билан мулоқотда қўшимча тўсиқни келтириб чиқариши мумкин. Хизмат тақдим этувчи билан тенгсизликни ҳис қилган жабрланувчи у билан баҳам кўришни истаган маълумотни чеклаши ва мутахассисга бўлган ишончни камайитириши мумкин.

Аmmo жабрланувчи билан юзма-юз бўлиш ва унинг кўзларига тикилиб қараш, нотўғри, қарама-қаршилиқ тушунчасини келтириб чиқариши мумкин, чунки бу зўравон ҳаракатлар қилган шахснинг одатий хатти-ҳаракатларини эслатади.

Гендер зўравонлик жабрланувчи, кириш/чиқиш эшигини кўриши мумкин бўлган ҳолат, жабрланувчи кўпинча изоляция ва назорат қилинадиган ҳолатда бўлган тажовузкор вазиятдан фарқли ўлароқ, вазиятни назорат қилиш туйғусини таъминлайди.

## 2. ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИК ЖАБРЛАНУВЧИСИГА ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ХИЗМАТЛАР БЎЙИЧА СТАНДАРТ ОПЕРАЦИОН ИШ ТАРТИБЛАРИ

Гендер зўравонлик жабрланувчиларига тақдим қилинадиган ижтимоий хизматларнинг умумий мақсади — гендер зўравонликни бошдан кечирган жабрланувчига ижтимоий-маиший муаммолар ва зўравонлик оқибатларини бартараф этишда ёрдам бериш, жабрланувчини атрофни ўраб турган ҳаётга қайта киритиш/реинтеграция қилиш, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, ўз ҳаётини назорат қилиш, жабрланувчининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қўмаклашиш ҳисобланади.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш азоб-уқубатларни камайтириш, жабрланувчини ёлғизлатмаслик, унинг жисмоний саломатлигини яхшилаш, жамиятга ва оилага ижтимоий реинтеграцияни кучайтириш (зўравонлик ҳолатларининг такрорланмаслиги кафолати остида) ва ҳуқуқий ёки ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатишни ўз ичига олиши мумкин.

Ижтимоий хизматлар тақдим қилиш жараёни босқичма-босқич иш тартибилари турига қараб гуруҳланган ва қуйидаги бўлимларда алоҳида қайд этилган: гендер зўравонлик жабрланувчисини аниқлаш, гендер зўравонлик ҳодисасини баҳолаш, хизматлар тақдим этиш, гендер зўравонлик ҳодисасини ҳужжатлаштириш, қайта йўналтириш, шу жумладан ишни бошқаришни мувофиқлаштириш.

Бўлим ва/ёки босқичларнинг кетма-кет тартиби жабрланувчи билан ўзаро алоқаларда ўзгариши мумкин, бироқ, зўравонлик жабрланувчисига кўрсатиладиган ҳар қандай ёрдам гендер зўравонлик жабрланувчисини аниқлашдан бошланади. Ҳар бир хизмат тақдим этувчи ижтимоий хизматларни тақдим этувчи муассаса ёки ташкилотнинг низоми ва ҳуқуқий кўрсатмаларига мос келадиган бўлимларни ташкил этиши ва амалга ошириши мумкин.

Агар мурожаат қилувчи ёрдам/хизмат тақдим этишни сўраб мурожаат қилганида гендер зўравонликнинг қандайдир бир шаклига дуч келадиганига далил ёки шубҳа бўлса, унда хизмат тақдим этувчи керакли бўлган барча ёрдамни олишига қўмаклашиши керак.

Зўравонлик белгилари ёки ҳолатлари аниқланганида (юзага чиққанида), ижтимоий хизмат тақдим этувчи оғир турмуш шароитида қолган жабрланувчи ёки шахсга аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган хизматларни (масалан, мутахассислар томонидан бепул маслаҳат бериш, бошпаналарда вақтинча яшаб туриш, нафақа ва бошқалар) тақдим қилиши керак.

Гендер зўравонликни бошдан кечирган жабрланувчига ёрдам беришдан олдин, хизмат тақдим этувчи ўзининг барча шахсий стереотиплари, бошидан кечирган гендер зўравонлик ҳолатлари ёки бошқа тўсиқлар бартараф қилингани ва ҳал этилганига, йўқлигига ишонч ҳосил қилиши, бу каби вазиятга нисбатан бетараф қолиши ва жабрланувчига талаб қилинадиган ёрдамни кўрсатиши лозим.

### 2.1. Гендер зўравонликни аниқлаш ва гендер зўравонлик жабрланувчисини идентификация қилиш

Ҳар қандай гендер зўравонлик ҳодисасига жавобан фаолият талаб қилинганда биринчи қадам бу зўравонликнинг ва уни сабабларини аниқлашдан иборат бўлади. Бу босқич ўз-ўзини ошкор қилиш, қайта йўналтириш ёки гендер зўравонлик ҳақида ҳисобот тақдим этиш йўллари орқали маълум бўлганда амалга оширилиши керак.

Гендер зўравонлик ҳодисасини аниқлаш турли усуллар билан амалга оширилиши мумкин:

- 1) гендер зўравонлик жабрланувчисининг мурожаатига кўра;

- 2) турли хил ижтимоий/параижтимоий<sup>3</sup> хизматлар ходимларининг уйма уй ташрифлари;
- 3) бошқа ташкилотлар, муассасалар ёки жисмоний шахслардан олинган маълумотлар;
- 4) гендер зўравонлик профилактикасини олиб борувчи ва жавобгарлик чораларини кўрувчи бошқа субъектлар тақдим этган маълумотлар;
- 5) ижтимоий тармоқлардаги хабарлардан/муурожаатлардан.

Ижтимоий хизмат тақдим этувчи гендер зўравонлик жабрланувчини тўғри идентификация (жабрланувчи сифатида тасдиқланиши) жуда муҳим саналади, чунки аксарият ҳолларда турли шахслараро низоларнинг иштирокчилари (оила аъзолари ўртасида низолар, иш жоидаги низолар иштирокчилари орасида, қўшнилари ўртасидаги келишмовчиликлар ва бошқа вазиятларда) ўзларини гендер зўравонлик жабрланувчиси сифатида кўрсатиши мумкин.

Гендер зўравонлик қуйидаги алоҳида муҳим белгиларга эга бўлади:

- Шахслараро низолардан фарқли ўлароқ, гендер зўравонлик гендер зўравонлик содир этувчи шахс гендер зўравонлик жабрланувчисига нисбатан ўзининг “назоратини” ва “хукмини” намойиш қилиш зарурати сабабли юзага келади;
- Гендер зўравонлик жабрланувчисига унга нисбатан зўравонлик ҳолатлари содир этилишида доим ўзини айбдор эканлиги тўғрисида қатъий фикр шаклланган бўлади;
- Зўравонликни содир этувчи (объект) ва жабрланувчи (субъект) ўртасида муносабатларни ўзига хослиги (эр-хотин, қариндошчилик, касбий бўйсунуш каби муносабатлар);
- Зўравонлик ҳаракатлари такрорланиши билан бир қаторда, ҳаракатлар зўравонликни бир неча турлари орқали содир этилади (масалан, руҳий-жисмоний, жисмоний-жинсий, ёки ҳаммаси биргаликда).

Зўравонлик содир этувчи ўз ҳаракатларни олдиндан режалаштирилиши ва унга тайёргарлик кўриши.

- Зўравонлик ходисасидан жабрланувчининг якин инсонлари (болалари, ота-онаси, қариндоши) ҳам жабр кўриши. Бу “иккиламчи виқтимизация” деб аталади;
- Зўравонлик даври<sup>4</sup> қисқариб бориши билан бир қаторда зўравонлик ҳаракатлари ёвузлашиши;

Гендер зўравонлик жабрланувчисининг ҳаёти ёки саломатлигига хавф туғдирадиган ҳолатлар билан боғлиқ муаммолар бўйича шошилиш тиббий ёрдам кўрсатилиши хизматни тақдим этувчининг устувор ҳаракатларидан бири бўлиши керак. Ҳар қандай ижтимоий эҳтиёжларни қондиришдан аввал, оғир ва ҳаёти учун хавфли аҳволга тушиб қолган жабрланувчини шошилиш тиббий ёрдамни кўрсатиш учун дарҳол тиббий муассасага юборилиши лозим.

Жабрланувчининг мустақиллигини ҳурмат қилиш ва сир сақлаш унинг хавфсизлигини таъминлашга ёрдам беради. Ушбу қадам, ўз навбатида, зарурат бўлганида вазиятга оид кейс-менежмент хизматларидан фойдаланиш ёки бошқа хизмат кўрсатувчи муассасаларга юбориш учун жабрланувчидан анланган розилик олиш масалаларини ҳам қамраб олиши мумкин.

Ижтимоий хизмат тақдим қилувчига тавсиялар:

- сизга ёрдам сўраб муурожаат қилган аёл ёки қизга хушмуомалалик билан дўстона салом беринг;
- ўзингизни таништиринг ва ташкилотни ҳуқуқий меъёрлари, тақдим қиланадиган хизматларни қисқача таърифлаб беринг;
- аёл ёки қизни ўзини таништиришини илтимос қилинг;
- хизматлардан фойдаланиш мақсадида муурожаат қилган аёл ёки қизнинг ҳақиқатан ҳам гендер зўравонлик жабрланувчиси бўлганига аниқлик киритинг;

3 Параижтимоий хизматлар — бу ижтимоий хизматлар кўрсатувчи, аммо уларни тақдим этиш учун сатандарт ва профессионал талаблар қўйилмаган хизматлар тури.

4 Зўравонлик даври (ингл. Cycleofabuse) – Ленор Эдна Уокер[en]томонидан ишлаб чиқилган, муносабатларда зўравон шахснинг хатти-ҳаракатларини тушунтириш учун ишлаб чиқилган назария. Бу давр тўртта фазадан иборат: кескинликнинг кучайиши, зўравонлик, ярашув ва “асал ойи” (хотиржамлик).

- гендер зўравонлик жабрланувчиси ёки унинг ёнидаги ҳамроҳлари билан жисмоний алоқага киришманг, шунингдек, қалтис ҳаракатлардан қочинг. Бу гендер зўравонликни бошидан кечирган шахслар, айниқса, жисмоний зўравонликдан азият чекаётганлар учун стрессни келтириб чиқариши мумкин.
- жабрланувчидан (айниқса жинсий зўравонлик ҳодисаларида) бир жинсдаги хизмат тақдим қилувчидан ёрдам олиш истаги ҳақида сўранг;
- гендер зўравонлик жабрланувчисига у ўзи учун муҳим деб билган барча саволларини беришига имконият яратинг;
- турли гуруҳларга мансуб шахсларнинг (масалан, жисмоний ёки руҳий ногиронлиги бор, диндор ёхуд этник озчиликка мансуб шахслар) эҳтиёжларини ёдда тутинг ва уларни амалда қўллаш учун бор имкониятларингизни ишга солинг;
- махфийлик ва ҳамдардлик муҳитини яратинг, мурожаатчини диққат-эътибор билан эшитинг ва аниқлаштирувчи саволларни беринг (“Гендер зўравонлик жабрланувчиси билан ўзаро муносабат қандай бўлиши керак” бўлимига қаранг);
- хизмат тақдим этувчи муассаса ходими сифатида ўзингиз билан жабрланувчи орасида ўзаро ишончли шакллантиринг. гендер зўравонлик жабрланувчисини асло ёлғиз қолдирманг, айниқса, унда ўзига шикаст етказиш эҳтимоли, ўз жонига қасд қилиш кайфияти ёхуд шунга ўхшаш нохуш ҳолатлар мавжуд бўлса.

## 2.2. Гендер зўравонлик ҳодисасини баҳолаш

Гендер зўравонлик жабрланувчиси аниқланганидан сўнг, ижтимоий хизматлар тақдим этувчи томонидан зўравонлик оқибатларига қарши самарали курашиш учун ресурслар, кўникмалар ва ўз ваколатларига мувофиқ келгусида амалга ошириладиган ишлар ҳақида (қўллаб-қувватлаш/ёрдам, факт ва далилларни тўплаш, гендер зўравонлик ҳодисасини ҳужжатлаштириш ва бошқа хизмат тақдим қилувчиларга йўналтириш) қарор қабул қилиши керак.

Баҳолаш жараёни жабрланувчининг руҳий ва жисмоний соғлиғининг ҳолати, унинг иқтисодий аҳволи, ижтимоий ҳаётга ва атроф-муҳитга бўлган муносабати тўғрисидаги маълумотларни олиш ва уларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Ушбу маълумотларнинг барчаси хизмат тақдим этувчига гендер зўравонлик жабрланувчисининг эҳтиёжларига мувофиқ ва ҳам жабрланувчининг, ҳам гендер зўравонликка жавобан идоралараро ҳамкорликни доирасида масъул ташкилотларнинг мавжуд манбаларига мувофиқ энг мос режани ишлаб чиқишда қўл келади. Ушбу баҳолаш жараёнини кейс-менежмент инструментларидан (воситаларидан) фойдаланган ҳолда амалга ошириш мумкин (1 ва 3-иловаларда келтирилган шакллар асосида).

Хизмат кўрсатувчи гендер зўравонлик ҳодисасини баҳолаш босқичида бир-бирига ўзаро боғлиқ ва мувофиқлаштирилган бир нечта ҳаракатларни амалга ошириши керак.

Сифатли хизматларни тақдим этиш учун шароит яратиш:

- жабрланувчидан тақдим қилинадиган хизматлар учун розилигини олинг. Агар жабрланувчи мустақил ўқиш ва ёзиш қобилиятига эга бўлмаса, жабрланувчининг номидан розилик баённомаси тузилиб, унга ўқиб берилади ва онгли равишда оғзаки розилиги олинади (ушбу ҳолат хабардор қилинганлик тўғрисида анланган розилик хатида ёки бошқа шаклда акс эттирилади);
- жабрланувчига унинг чекланган розиликни тақдим қилиши ҳуқуқини тушунтириш. Яъни, қайси маълумотларини ошкор қилиши, қайсиларини сир сақлашини ўзи танлаши мумкинлиги ҳақида хабардор қилиш;
- анланган розилик учун тўлиқ тегишли маълумотларни тақдим қилиш. Бошқа хизмат тақдим қилувчилар/муассасалар билан маълумот алмашишнинг оқибатлари ҳақида жабрланувчини хабардор қилиш;
- кўрсатиладиган ёрдам ҳамдардлик асосида, тушунарли, холис ва беғараз тақдим қилинишига ва бунинг учун барча имкониятлар ишга солинишига жабрланувчини ишонтиринг.

Хизмат тақдим қилувчи гендер зўравонлик даражасини аниқлаши муҳим (1-ва 2-иловалар). Бунинг учун:

- гендер зўравонлик жабрланувчиси билан суҳбатлашиб, зўравонлик ҳодисаси ҳақида тўлиқ маълумот (зўравонлик тури, уни амалга оширган шахс/шахслар, жабрланувчининг зўравонлик вақтидаги ва ҳозирги аҳволи ва бошқалар) тўплаши керак. Буларни зўравонлик жабрланувчисидан аниқ сўраб олиш;
- хавф даражасини баҳолаш ва жабрланувчининг ўзини ўзини ҳимоя қилиши учун баъзи қоидаларни ишлаб чиқиш;
- жабрланувчига унинг ҳаётига гендер зўравонликнинг оқибатлари қандай таъсир қилганлиги ҳақида саволлар бериш;
- жабрланувчи ва унинг фарзандларининг психологик-физиологик ва ижтимоий ҳолатини ва шароитларини ўрганиш;
- болаларнинг ҳолатини муҳокама қилиш: уларнинг гендер зўравонликка, уларнинг ота-оналарига муносабатини билиш;
- гендер зўравонлик жабрланувчисининг содир бўлган ҳодиса юзасидан ҳис-туйғуларини ўрганиш;
- жабрланувчининг кўрсатиладиган ижтимоий хизматлардан, ўзидан, зўравонликни содир этган шахсдан, зўравонликка алоқадор бошқа шахслардан нималарни кутаётгани ва қандай хоҳиш-истаклари борлигини ўрганиш.

Гендер зўравонлик билан боғлиқ вазиятни баҳолашда хизмат тақдим қилувчи иккинчи даражали маълумотларни ҳам тўплаши керак:

- жабрланувчи биологик оиласининг тарихи ва имкони борица зўравонликни этган шахснинг оиласи ҳақидаги маълумотлар;
- жабрланувчи яшайдиган ҳудуд атрофидаги бирламчи ва иккиламчи ижтимоий гуруҳлар/тузилмалар/институтлар тўғрисидаги маълумотлар;
- жабрланувчининг иқтисодий аҳволи ва унинг оилага қарамлиги/қарам эмаслиги, турмуш/яшаш шароитлари ҳақидаги маълумотлар;
- зўравонлик ҳолатларига қарши олдинги ҳаракатлар, жабрланмаслик/яшаб қолиш стратегиялари, олдинги қўпол муомалалардан қочиш усуллари.

Ижтимоий хизмат тақдим этувчилар гендер зўравонлик ҳодисасини баҳолашда гендер зўравонликка жавобан идоралараро ҳамкорликнинг иштирокчилари билан жараёнлар ва саъй-ҳаракатларни қуйидагилар орқали мувофиқлаштиришлари керак:

- гендер зўравонлик воқеалари/ҳодисалари бўйича бошқа ташкилотлар/муассасалар олдида мавжуд юридик мажбурий ҳисобдорликка ва тақдим этилган маълумотларнинг мазмунига оид аниқлик киритиш;
- гендер зўравонлик жабрланувчиси (унинг фарзандлари)ни ҳимоя қилиш учун, шунингдек, унинг эҳтиёжлари ва кутаётган натижаларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда, тақдим этилиши мумкин бўлган ёрдам/қўллаб-қувватлаш/хизматлар турлари тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларни тўплаш.

## 2.3. Хизмат тақдим этиш

Зўравонликка жавоб қайтариш фаолияти гендер зўравонлик ҳаракатларини ва оқибатларини камайтирадиган, кейинги жароҳатларни, шу жумладан гендер зўравонлик жабрланувчиси ўзини айбдор деб ҳисобланганлиги учун иккиламчи виктимизацияни бошидан кечиришни олдини олишда жабрланувчига кенг қамровли асосий хизматлар йиғиндисини назарда тутати.

Хизматларни тақдим этиш жабрланувчининг ўрганилган эҳтиёжлари ва мавжуд ресурслар асосида ишлаб чиқилган узоқ муддатли мажмуавий индивидуал ёрдам бериш иш режасига мувофиқ амалга оширилади (3-илова). Барча таъсир чоралари жабрланувчига қаратилган ва зўравонлик ҳодисасига идоралараро яхлит ёндашиш, индивидуал ҳолатга мослашиш ва пировард натижада бу чораларни барқарорлик тамойиллари асосида амалга ошириш талаб этилади.



Хизматларни тақдим этиш жараёни бир неча муҳим хизматлар мажмуасини ўз ичига олади. Улар инқироз юзасидан маслаҳат; хавфсиз бошпана; узоқ муддатли ижтимоий қўллаб-қувватлаш/ёрдам, маслаҳат ва бошқа қўшимча хизматлар; хавфларни баҳолаш ва бошқариш хизмат турларига бўлинади.

### 2.3.1. Инқирозли маслаҳат

“Инқироз юзасидан маслаҳат” хизматини тақдим қилиш гендер зўравонлик жабрланувчининг хавфсизлигини зудлик билан таъминлашга ва унинг нималарни бошдан кечирганларини англаб етишига, ўз ҳуқуқларини такроран тасдиқлашга ҳамда айбдорлик ҳисси ва қайғу-аламларини енгиллаштиришга қаратилган. Мазкур хизматлар турли хил усулларда ва кўринишда, жумладан, юзма-юз мулоқот, стационар ёки мобиль телефон орқали суҳбат, электрон почта, ижтимоий тармоқ, шунингдек, турли хавфсиз жойлар ва хавфсиз шароитларда тақдим этилиши мумкин.

“Инқироз юзасидан маслаҳат” босқичида ижтимоий хизмат кўрсатувчи учун тавсиялар:

- биринчи ўринда гендер зўравонлик жабрланувчисини ва унинг фарзандларини асосий эҳтиёжларини (очлик, ташналик, уйқусизлик) қондириш;
- гендер зўравонликни бошдан кечирган жабрланувчининг барча психологик эҳтиёжларини қондириш учун унга психологик ёрдам хизматидан фойдаланишни таклиф қилиш ва психологга йўналтириш;
- гендер зўравонлик жабрланувчисидан ўзининг шахсий ғоялари, оғир вазиятдан чиқиб кетиш стратегияси ва бунинг учун мавжуд бўлган ресурслари ҳақида айтиб беришини сўранг. Гендер зўравонлик жабрланувчиси билан биргаликда вазиятни бартараф этишининг барча усулларини ўрганиш устида ишланг;
- жабрланувчига инқироз давридаги қўшимча хизматлар ҳақида маълумот беринг ва улардан фойдаланишни таклиф қилинг: а) хавфсиз бошпанадан бевосита фойдаланиш; б) шошилиш тиббий хизматдан фойдаланиш; в) ҳар қандай вазият ва шароитларда ҳам гендер зўравонлик жабрланувчисига хизмат тақдим қилувчиларга қайта муурожаат қилиш имконияти.
- гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчи билан биргаликда унга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан Ҳимоя ордери (агар лозим бўлса) олиш имкониятини кўриб чиқинг;
- гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчига агар лозим бўлса, ўзи ва фарзандларининг хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида шахсий хавфсизлик режасини муҳокама қилишига кўмаклашинг. (4-илова);
- гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчига узоқ муддатли мажмуавий индивидуал ёрдам бериш режасини тушунтириб беринг ва келишиб олинг. (3-илова);
- жабрланувчининг инқироз босқичида бошқа хизмат тақдим қилувчилар билан боғланиши ва уларга муурожаат қилиши учун батафсил алоқа маълумотларини унга, унинг алоқа маълумотларини муассасалар ходимларига тақдим этинг.

### 2.3.2. Хавфсиз бошпана

Аксарият ҳолларда гендер зўравонлик жабрланувчилари ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида яшаб турган уйини дарҳол вақтинчалик тарқ этиши ҳамда шелтер/бошпана, аёллар бошпанаси ёхуд бошқа хавфсиз жойларга жойлашиш ҳуқуқига эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий хизмат тақдим қилувчиларга тавсиялар:

- гендер зўравонлик жабрланувчисини таҳдид бартараф этилунига қадар зудлик билан хавфсиз бошпана ёки уй-жойга йўналтириш;
- барча хавфсизлик чораларига риоя қилинганлигига, жумладан, жабрланувчи жойлаштирилган бошпананинг махфийлигига (агар иложи бўлса), хавфсизликни таъминловчи ходимларнинг борлигига ва етарли даражадаги хавфсизлик тизимлари мавжудлигига ишонч ҳосил қилинг;
- гендер зўравонлик жабрланувчиси учун афзалликлар ва унинг эҳтиёжларига мувофиқ бошқа махсус ва зарурий қўшимча хизматлар кўрсатилишини таъминланг: психологик ёрдам/маслаҳат, тиббий хизматлар, ҳуқуқий ёрдам/маслаҳат, ижтимоий реинтеграцияни қўллаб-қувватлаш ва ҳоказо;

- жабрланувчига ҳамроҳ бўлган болаларнинг хавфсизлиги ва асосий эҳтиёжлари қондирилишини таъминланг;
- жабрланувчининг яқин қариндошларига (унинг илтимосига биноан ёхуд зарурат туғилганида) жабрланувчининг хавфсиз жойда вақтинча яшаб туриши ҳақида бошпана ёки инқироз марказининг манзиллини маълум қилмаган ҳолда хабар беринг;
- агар ижтимоий ёрдам/хизматлар тақдим қилишни вояга етмаган болалар сўраб мурожаат қилиш пайтида уларнинг қонуний васийлари йўқлиги аниқланса, бу тўғрисида вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини хабардор қилинг.

### **2.3.3. Узоқ муддатли мажмуавий ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маслаҳат бериш ва бошқа қўшимча хизматлар**

Бирламчи тиббий ёрдам кўрсатилганидан сўнг, кўп ҳолларда, гендер зўравонлик жабрланувчиси қўшимча хизматлар кўринишида узоқ муддатли ижтимоий қўллаб-қувватлашни талаб қилади.

Ижтимоий хизмат тақдим қилувчиларга тавсиялар:

- Жабрланувчига зарурат бўлганида куйидаги моддий ва молиявий ёрдам кўрсатилиши мумкин: шошилинч транспорт, овқатлантириш, хавфсиз турар жой/бошпана, шахсий ва тиббий эҳтиёжлар учун воситалар, айрим харажатлар учун пул маблағлари (масалан, суд-тиббий гувоҳномаси учун тўловга, манзилигача ва манзилидан бориш учун таксига ва бошқа хизматларга).
- Жабрланувчига шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тайёрлаш, тиклаш ёки алмаштириш масалаларида ёрдам.
- Жабрланувчининг ўз муаммолари тўғрисида ҳуқуқий маслаҳат/маълумот олиши учун ҳуқуқий хизмат кўрсатувчиларга (юристарлар, адвокатлар)га йўналтириш. Агар ҳуқуқий хизмат тақдим қилувчилардан хизмат олиш имкони мавжуд бўлмаса, жабрланувчига ажрашиш/никоҳни бекор қилиш, васийлик, болани васийликка олиш, чеклаш/ҳимояланиш чоралари каби мавжуд ечимлар ҳақида батафсил тушунтириш.
- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро стандартлар/ҳужжатлар ва миллий қонунчиликка мувофиқ, болалар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда улар тушунадиган содда тилда болалар учун хизматларни тақдим этиш ёки ёрдам кўрсатишни сўраб тегишли муассасаларга мурожаат қилиш. Жабрланувчи бошпанада узоқ муддатли хизматлардан фойдаланиши жараёнида эса, бошқа хизмат тақдим қилувчилар билан биргаликда зўравонликдан жабрланган болаларнинг асосий ҳуқуқларини (масалан, эмлаш, таълим олиш ва бошқалар) таъминлаш.
- Жабрланувчига кунига 24 соат, ҳафтасига 7 кун, ҳеч бўлмаганда кунига камида 4 соат, шу жумладан байрамлар ва дам олиш кунларида ҳам уяли алоқа, шунингдек, бепул стационар телефон алоқасидан ёки ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш имкониятини яратиш.

Хизмат тақдим этувчига ижтимоий хизмат кўрсатишда кейс-менежмент ёндашувларидан фойдаланишга доир маслаҳатлар:

- жабрланувчи бошқа хизмат кўрсатувчиларга йўналтирилганидан кейин унинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришдаги ижобий ўзгаришларни мунтазам равишда мониторинг қилиб боринг, шунингдек, унинг реинтеграцияси ҳамда яна ўзига келишида асосий эҳтиёжларини қондириш учун имконият ва ресурслар етарли эканига ишонч ҳосил қилинг;
- жабрланувчининг шахсий эҳтиёжларини, фикр-мулоҳазалари ва нуқтаи назарини ҳисобга олган ҳолда, режалар ва ҳаракат дастурларини ишлаб чиқинг. Жабрланувчига ўз танловини амалга оширишига шароит яратинг: ҳеч қандай чоралар кўрмаслик ва ҳамма нарсани ўз ҳолича қолдириш имкониятини ҳам атрофлича кўриб чиқинг. Уни ҳам режани ишлаб чиқишга жалб қилинг. Гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчига ўз шахсий танловини амалга оширишга имкон беринг;
- жабрланувчи билан муҳокама қиладиган бошқа мавзулар бор ёки йўқлигини ундан доимий равишда сўраб туриш/билиб олинг. Иш режасини тузишда қандай ҳаракатлар келишилганини ва жабрланувчи қандай ҳаракатларни бажариши кераклигини қисқача тушунтиринг;

- жабрланувчига келгусидаги ҳаракат режасини тушунтиринг (3-илова) ва кейинги фаолиятлар учун батафсил алоқа маълумотлар билан алмашинг;
- кейинги хизматларни тақдим этиш жараёнларида жабрланувчининг ҳолатидаги ўзгаришларни ўрганинг, зўравонликка қарши кураш стратегиясининг самарадорлигини ва жабрланувчи томонидан амалга оширилган ҳар қандай ҳаракатларнинг натижаларини баҳоланг;
- кейинги муурожаатларида юзага келган қийинчиликларни кўриб чиқинг ва жабрланувчига уларни енгишда ёрдам беринг, агар лозим бўлса, муаммолар, келгусидаги ҳаракатлар ва режани қайтадан кўриб чиқинг.

#### 2.3.4. Хавфларни бошқариш ва баҳолаш

Хавфсизлик режаси келажақдаги зўравонлик ҳодисаларининг олдини олиш ёки уларнинг авж олиши ҳамда бу борада экстремал ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида ишлаб чиқилган гендер зўравонликка қарши кенг қамровли таъсир чорасининг бир қисмидир. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчи ўз яшаш ҳудуди ёки ўша атрофга қайтишга мажбур бўлганида хавфсизлик режаси ишлаб чиқилади ва бажарилиши таъминланади. Ушбу режада жабрланувчи, унинг фарзандлари ва оиланинг бошқа заиф аъзоларини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мажбурий равишдаги чора-тадбирлар акс эттирилиши керак (4-илова).

Хавфсизлик режаси хавф омилларини ва мавжуд ресурсларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Самарали хавфсизлик режасини ишлаб чиқиш учун нохуш ҳодисани такрорлаш ва зўравонликни кучайтиришга қаратилган мавжуд хавф омилларини тушуниш керак. Гендер зўравонлик билан боғлиқ қанча кўп хавф омиллари аниқланса, жабрланувчиларнинг ҳам хавфга дуч келиш эҳтимоли шунча юқори бўлади.

Хавфсизлик режасини ишлаб чиқиш учун хизмат тақдим қилувчи томонидан қуйидаги маълумотлар тўпланиши мумкин:

- гендер зўравонлик жабрланувчиси, унинг фарзандлари ва оиланинг бошқа аъзоларига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари содир этилган олдинги воқеалар. Таъқиб қилиш, тазйиқ ва зўравонликнинг аввал ишлатилган шакллари ва воситалари, олдинги жиноятлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига берилган аризалар, совуқ қуролдан фойдаланиш фактлари хавфни баҳолаш кўрсаткичларидир;
- оила ташқарисидаги тажовузкор хатти-ҳаракатлар;
- риштани узиш ва ажрашиш хавфнинг ошиш даври ҳисобланади;
- зўравонлик содир этган шахс билан бошқа оила аъзоларининг бирлашиши;
- қонуний ёки ноқонуний равишда совуқ қуролга эгалик қилиш ва/ёки қурол ишлатиш билан таҳдид қилиш/қурол ишлатиш;
- спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд воситалар истеъмол қилиш хулқ-атвори сусайтириб, зўравонликнинг кучайишига сабаб бўлади;
- турли таҳдидлар, хусусан, ўлим таҳдиди жиддий қабул қилиниши керак;
- рашқ ва худбинлик (хўжайинлик қилиш)нинг ҳаддан ташқари шакли;
- жабрланувчининг ҳолатини зўравон билан тенглаштирилмаганлиги зўравонлик ҳолатини жамиятдаги мавжуд урф-одат ва анъаналар билан боғлаб изоҳланиши. Зўравонликни содир этган шахсдан жабрланувчи томонидан уларга сўзсиз риоя этишини талаб қилиш;
- зуравонликни содир этган шахс томонидан жабрланувчининг хулқ-атворини зўравонликнинг турли шакллари (руҳий, жисмоний, жинсий, иқтисодий)дан фойдаланган ҳолда назорат қилиниши;
- жабрланувчига нисбатан амалга оширилиши мумкин бўлган зўравонлик ҳаракатларидан ҳимояловчи вақтинчалик Ҳимоя ордери ёки суд қарорларнинг талабларига риоя этмаслик;
- зўравонликнинг кескин кучайишига олиб келиши мумкин бўлган сабаблар (муносабатлардаги салбий ўзгаришлар).

Хавфсизлик режаси ишлаб чиқилиши ва зарур бўлганида, гендер зўравонлик жабрланувчисининг кундалик турмуш тарзига зарар етказмаган ҳолда хавфсиз тарзда амалга оширилиши керак.

Ижтимоий хизматларни тақдим қилувчининг ҳамкорликда хавфсизлик режасини ишлаб чиқишда гендер зўравонлик жабрланувчилари учун тавсиялари:

- фавқулудда ҳолатларда чақирилиши мумкин бўлган ёки бир неча кун давомида хавфсиз жой билан таъминлай оладиган инсонларни (жабрланувчининг яқин қариндошлари, дўстлари, қўшнилари) рўйхатини тузинг;
- зўравонлик ҳақида маълум қилишингиз мумкин бўлган бир ёки бир нечта қўшнилари аниқланг ва улар уйда шубҳали товушларни эшитсалар, ёрдам беришларини сўранг;
- уйни хавфсиз тарк этиши йўллари муҳокама қилинг;
- “Хавфсизлик сумкаси” (ҳужжатлар, калитлар, пуллар, дори-дармонлар, иссиқ кийимлар ва бошқалар)ни ҳозирланг ва тажовуз кучайган тақдирда зўравонлик жойидан чиқиб кетадиган жойга жойлаштиринг;
- узингиз ва фарзандларингиз соғлиғига минимал даражада зарар етказиш учун туғма ҳис-туйғулар ва турли фикр-мулоҳазалардан фойдаланинг. Агар вазият хавфли тус олса, зўравонликни содир этувчи шахсга ўзи хоҳлаган нарсани бериш ҳақида ўйлаб кўринг ва зўравонлик авж олмаслиги учун ҳаракат қилинг. Жабрланувчи ўзини ва болаларини ҳимоя қилишга ҳақли эканини эътиборда тутинг;
- гендер зўравонлик ҳодисаси юз берганида бошқа хизматларни кўрсатувчилардан келгусида ёрдам сўраш ҳақида ўйлаб кўйинг;
- унутманг, гендер зўравонлик жабрланувчиси калтаклашлар ва таҳдидларга лойиқ эмас.

## 2.4. Гендер зўравонликни ҳужжатлаштириш

Гендер зўравонлик ҳақидаги ҳар бир ҳодиса ижтимоий хизматларни тақдим қилувчилар томонидан албатта ҳужжатлаштирилиши шарт. Мабодо зўравонлик воқеаси тарихига оид ҳужжатлар бўлмаган тақдирда ҳам ушбу ҳужжатлаштириш юз берган ҳодиса тўғрисидаги энг тўлиқ маълумотни таъминлаб бериш имконини яратади.

Зўравонлик ҳодисаларини ҳужжатлаштириш стандарт шакллар, қўл билан ёзувлар, схемалар, фотосуратлар, коғоз регистрлари ва бошқа воситалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Гендер зўравонликнинг ҳар бир ҳодисаси бўйича тегишли маълумотларни тўплаш ва уларни маълумотлар базасига киритиш: а) зўравонлик ҳодисаларнинг ривожланишини кузатиш ва баҳолаш учун керакли маълумотлар базасини яратади; б) маълум бир ҳудудда юз берган ва ошкор бўлган ҳолатлар тўғрисида аниқ тасаввур беради; в) гендер зўравонликка жавобан идоралараро кўрилган чоралар фаолиятини баҳолашга ёрдам беради.

Ижтимоий хизматларни тақдим этувчи гендер зўравонлик ҳодисаси ва жабрланувчиси ҳақидаги қуйидаги маълумотларни тўплаши керак:

- Жабрланувчи ҳақидаги умумий маълумотлар (ёши, маълумоти, яшаш жойи ва яшаш шароитлари, фарзандлари сони ва бошқалар).
- Зўравонлик ҳақидаги тўлиқ маълумотларни йиғиш ва қайд этиш, шу жумладан:
  - гендер зўравонликни тасдиқловчи далиллар;
  - бошқа нохуш ҳодисалар тарихи, шу жумладан, аввалги жинсий шериклар билан;
  - жабрланувчи ва зўравонликни содир этган шахс билан ўзаро муносабатлари;
  - зўравонликнинг тури;
  - қурол ишлатилганлиги (ишлатилган бўлса қайси турдаги ва қандай ишлатилган);
  - ҳодиса пайтидаги гувоҳлар, шу жумладан, болалар ҳам.
- Зўравонликнинг оқибатлари/таъсирини (жисмоний, руҳий, жинсий, иқтисодий) батафсил тасвирлаш.
- Хавф ва ҳимоя омилларини (шахсий ва ижтимоий/умумий) тавсифлаш.
- Зўравонлик ҳолатини бартараф этиш учун режалаштирилган ёки амалга оширилган ишларни қайд этиш.
- Хавфсизликнинг режалаштирилишини ва бу ишда мавзулар тавсифларини қайд этиш.
- Кейинги учрашувларда мазкур ишнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тўплаш.
- Жабрланувчи ҳодиса ҳақида сўзлаб берганида нималарни ошкор қилганига эътибор қаратиш.
- Шахсий шубҳа-гумонларни ва уларни тасдиқловчи далилларни ҳужжатлаштириш.

- Жабрланувчини ёзма маълумотлардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш ва унинг розилигини олиш.
- Имкони борича анамнез (яъни умумий тиббий ёки гинекологик касаллик тарихи), ҳодиса тўғрисидаги тиббий ҳисоботни, тиббий кўрик ва уни ўрганиш натижаларини, даволаш режасини, буюрилган дори-дармонлар рўйхатини тўплаш.
- Барча маълумот ва ҳужжатларни хавфсиз ва махфий жойда сақлаш. Уларни маълумот базасига киритиш учун етарли вақт ажратиш.

## 2.5. Қайта йўналтириш (бошқа хизмат тақдим этувчиларга йўналтириш)

Бошқа хизмат кўрсатувчиларга (қайта) йўналтириш тизимининг мақсади гендер зўравонлик жабрланувчисига яхши муомала ва ғамхўрлик қилиш, жабрланувчини парвариш қилиш ва даволаш, шунингдек, ижтимоий ва бошқа афзал кўрилган хизматларни олиш, унинг шошилинич ва кўп сонли эҳтиёжларини қондириш бўйича ҳисобот беришининг энг хавфсиз ва энг самарали усулини таъминлашдан иборатдир.

Бундан ташқари, бошқа хизмат тақдим қилувчиларга йўналтириш хизматларини тақдим қилишда келишилган ёндашувга эътибор қаратилиши зарур. Барча хизмат тақдим этувчилар, жабрланувчи билан биринчи алоқа нуқтаси бўлишларидан қатъи назар, ушбу тизимдан хабардор ҳамда бошқа хизмат тақдим этувчиларга йўналтириш қобилиятига эга бўлишлари керак.

Агар муассасалар/ташкilotлар, аниқ хизмат тақдим этувчилар (мутахассислар) ҳақидаги ахборотлар/маълумотлар ҳамда, уларнинг алоқа маълумотлари тизимлаштирилган бўлиб, тегишли муассасаларга ўтказиб берилса, бошқа хизмат кўрсатувчиларга қайта йўналтириш тизими самарали ишлайди.

Ижтимоий хизмат кўрсатувчи қуйидагиларни амалга ошириши керак:

- Жабрланувчининг эҳтиёжи ва истакларини баҳолаш натижаларига асосан у учун қандай бошқа хизмат тақдим этувчиларга йўналтириш манфаатли бўлиши мумкинлигини аниқлаш.
- Жабрланувчини у сўраган ва/ёки лозим деб топилганда, уни бошқа хизмат тақдим этувчиларга йўналтирилиши мумкинлиги тўғрисида хабардор қилиш.
- Бошқа хизмат тақдим этувчиларга йўналтириш бўйича кейинги босқич учун жабрланувчининг олдиндан анланган розилигини олиш.
- Жабрланувчи билан бошқа хизматларни тақдим этувчиларга қандай маълумотларни беришни ва қандай маълумотларни сир сақлашни келишиб олиш. Жабрланувчига зўравонлик ҳодисаси тўғрисидаги маълумотларга нисбатан ҳар қандай ҳуқуқий тартибга солиш/чекловларнинг мавжудлигини тушунтириш.
- Қуйидаги мезонлар асосида гендер зўравонлик жабрланувчисига хизматларни тақдим этувчилар ҳақидаги аниқ ва тўлиқ маълумотларни тақдим этиш:

**КИМ** — гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчиларга қанақа хизмат тақдим этувчи муассаса/ташкilot бор? Ушбу хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўлиш учун масъул шахснинг алоқа маълумотлари (исм-фамилияси, лавозими, манзили ва телефон рақами)ни келтириш.

**НИМА** — жабрланувчилар маълум бир хизматларни тақдим этувчилардан қандай ёрдамларни кутишлари мумкин? Шунингдек, ушбу хизматлардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар ҳақидаги маълумотлар.

**ҚАЕРДА** — хизматларни тақдим этувчининг жойлашган жойи/аниқ манзили.

- Гендер зўравонлик жабрланувчисининг эҳтиёжлари ва хоҳиш-истагига мувофиқ, уни бошқа хизмат тақдим этувчига йўналтириш. Жабрланувчиларга муҳим ёрдамларни тақдим этишда етакчи хизмат тақдим этувчилар қуйидагилар ҳисобланади:
  - факт ва далилларни тўплашда жабрланувчига ёрдам берадиган энг яқин муассаса;
  - зўравонлик ҳаракати тўғрисида ариза билан мурожаат этиш учун ички ишлар органлари;
  - тиббий, шу жумладан, шошилинич тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт муассасаси;
  - ижтимоий ва психологик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун инқироз (реабилитация) марказлари, ошпаналар.

- Бошқа хизмат тақдим этувчиларга йўналтириш ишларини қисқа ёзма ҳисобот ва қабул қилиб олаётган хизмат тақдим этувчининг вакили билан телефон орқали суҳбат билан яқунлаш. Бу жабрланувчи бошидан кечирган зўравонлик ҳодисасининг яна тақроран айтиб бермаслигини ва кўпгина суруштирув жараёнларида берилган бир хил саволларга жавоб бериш вазиятни юзага келтирмаслик, гендер зўравонлик ҳодисаси билан боғлиқ тақроран психологик жароҳатдан ўтишнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.
- Жабрланувчига уни бошқа хизмат тақдим этувчига қайта йўналтириш имкониятини яратиб бериб, шу орқали унинг мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини рағбатлантириш.
- Агар лозим бўлса, жабрланувчини бошқа хизмат тақдим қилувчига қайта йўналтириш жараёнида уни бирга кузатиб бориш.
- Тўпланган далиллар нима учун муҳимлигини ва фойдали эканини тушунтириш. Жабрланувчидан зўравонлик ҳолатини исботловчи далилларни йиғишни хоҳлайдими йўқми, сўранг. Далилларни муайян ҳолатларда (масалан, жинсий зўравонлик ҳодисасида) имкон қадар тезроқ тўплаш лозимлигини эслатинг. Далилларни сақлаб қолиш ёки йўқ қилиб юборишга йўл қўймаслик учун нималар қилиш ва нималардан қочиш (мисол учун кийимни ювмаслик, либосни алмаштирмаслик) зарурлигини тушунтириш.
- Гендер зўравонлик жабрланувчиларига хизмат тақдим этувчи муассасалар/ташкilotлар рўйхатини мунтазам равишда янгилаб туриш. Рўйхат (каталог)да муассаса номи, масъул шахси, манзили, телефон рақамлари ва бошқа алоқа маълумотлари ҳамда тақдим қилинадиган хизматлар рўйхати акс эттирилиши лозим (5-илова).
- Тегишли хизматларни тақдим қилувчи муассасалар/ташкilotлар билан бошқа хизмат тақдим этувчиларга йўналтириш жараёнлари ҳамда ҳар бир хизматнинг аниқ вазифалари бўйича келишувлар тузиш, меморандум/протоколлар имзолаш.
- Хизмат тақдим қилувчилар/муассасалар билан ахборот-маълумот алмашиш ва бошқа хизмат тақдим этувчиларга йўналтириш жараёнлари келишилганига ва тегишли ходимларга етказилганига ишонч ҳосил қилинг.



## МАВЗУГА ОИД РЕСУРСЛАР/ҲУЖЖАТЛАР

- Закон Республики Узбекистан № 561 от 2 сентября 2019 г. О защите женщин от притеснения и насилия. <https://www.lex.uz/docs/4494712>
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ). 2002. Всемирный доклад о насилии и здоровье. [https://www.who.int/violence\\_injury\\_prevention/violence/world\\_report/ru/](https://www.who.int/violence_injury_prevention/violence/world_report/ru/)
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ). 2003. Руководство ВОЗ по судебно-медицинской помощи жертвам сексуального насилия. [https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/85240/978\\_9241548595-rus.pdf?ua=1](https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/85240/978_9241548595-rus.pdf?ua=1)
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ). 2011. Укрепление системы здравоохранения: Глоссарий. [https://www.who.int/healthsystems/Glossary\\_January2011.pdf](https://www.who.int/healthsystems/Glossary_January2011.pdf)
- Комитет Конвенции ООН по ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. 2013. 57-ая сессия. Согласованные выводы: искоренение и предупреждение всех форм насилия в отношении женщин и девочек.
- Комитет Конвенции ООН по ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. 1993. Декларация об искоренении всех форм насилия в отношении женщин. [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/declarations/violence.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/violence.shtml)
- Комитет Конвенции ООН по ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. Общие рекомендации №19, параграф 6. <https://www.un.org/womenwatch/daw/cedaw/recommendations/recomm.htm>
- Межведомственный постоянный комитет (МПК). 2005. Руководящие принципы для вмешательства в случае ГН в гуманитарных ситуациях: с упором на профилактику и реагирование на сексуальное насилие в чрезвычайных ситуациях.
- ООН Женщины, ЮНФПА, ПРООН, УНП ООН. 2014. Стратегия для Основных служб правосудия по борьбе с насилием в отношении женщин и девочек. Основные услуги и стандарты качества.
- ООН. Доклад Генерального Секретаря ООН. Углубленное изучение всех форм насилия в отношении женщин. A\61\122\ Add.1
- ООН. 2000. Протокол о предупреждении и пресечении торговли людьми, обусловленный Конвенцией Организации Объединенных Наций против транснациональной организованной преступности. Резолюция Генеральной Ассамблеи ООН 55/25/. [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/protocol1.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/protocol1.shtml)
- УНП ООН. 2010. Руководство по эффективному реагирования полиции на насилие по отношению к женщинам
- ЮНФПА, WAVE. 2014. Укрепление реагирования систем здравоохранения на гендерное насилие в Восточной Европе и Центральной Азии, Пакет ресурсов. <https://eeca.unfpa.org/sites/default/files/pub-pdf/WAVE-UNFPA-Report-RU.pdf>
- ЮНФПА, Региональное отделение по странам Восточной Европы и Центральной Азии (РО ЮНФПА СВЕЦА) Восточно-Европейский Институт Репродуктивного Здоровья, 2015. Предоставление психосоциальных услуг, часть межведомственного реагирования на ГН. Стандартные операционные процедуры. 540493 Tirgu-Mures, Romania. [office@eeirh.org](mailto:office@eeirh.org) Royal College of Obstetricians and Gynaecologists, 27 Sussex Place, Regent's Park London, NW1 4RG, United Kingdom, [publications@rcog.org.uk](mailto:publications@rcog.org.uk) Royal College of Obstetricians and Gynaecologists Bringing to life the best in women's health care Хаки Йетен Кадеси № 10/С Селениум Плац 18, Фулия Бесиктас, Стамбул, Турция, [eecaro@unfpa.org](mailto:eecaro@unfpa.org) Ул. Молдовы 1, 540493 Тыргу-Муреш, Румыния [office@eeirh.org](mailto:office@eeirh.org)
- ЮНФПА. 2001. Практический подход к гендерному насилию: Руководство по составлению программ для поставщиков услуг и руководителей системы здравоохранения [https://eeca.unfpa.org/sites/default/files/pub-pdf/SOPs\\_psycho-social%20services\\_eng.pdf](https://eeca.unfpa.org/sites/default/files/pub-pdf/SOPs_psycho-social%20services_eng.pdf).
- Interagency Standing Committee (IASC) Sub-Working Group on Gender & Humanitarian Action. 2008. GBV Resource Tool: Establishing GBV Standard Operating Procedures (SOP Guide). <https://interagencystandingcommittee.org>
- UNFPA. 2015. Minimum Standards for Prevention and Response to Gender-Based Violence in Emergencies. [https://www.unfpa.org/sites/default/files/pub-pdf/GBVIE.Minimum.Standards.Publication.FINAL\\_ENG\\_.pdf](https://www.unfpa.org/sites/default/files/pub-pdf/GBVIE.Minimum.Standards.Publication.FINAL_ENG_.pdf)

## 1-илова. Дастлабки скрининг учун хизмат тақдим этувчи томонидан гендер зўравонлик инцидентини/ҳодисасини рўйхатга олиш шакли

**Диққат!** Ушбу шакл идоралараро жавоб қайтаришга алоқадор барча хизмат тақдим этувчилар учун универсал ҳисобланади ва гендер зўравонлик ҳодисалари бўйича маълумотларни тўплаш учун келишилган идоралараро электрон маълумотлар базасига мос келади.

Ушбу шакл гендер зўравонлик жабрланувчиси қайси хизмат тақдим этувчига мурожаат қилганлиги ёки қайси хизмат тақдим этувчилардан қайта йўналтирилганлигидан қатъи назар барча хизмат тақдим этувчилар томонидан жавоб қайтаришнинг тегишли босқичлари бўйича тўлдирилади.

I БЎЛИМ. РЎЙХАТГА ОЛИШ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАР			
<b>Мурожаат қабул қилинган манзил</b>	Ташкилот номи		Ҳудуд коди
<b>Мурожаат тўғрисида маълумот тақдим этган ташкилот/ муассаса</b>	Ташкилот номи		СТИР
<b>Гендер зўравонлик жабрланувчисини аниқланиш усули/ мурожаат шакли</b>	<input type="checkbox"/> шахсан	<input type="checkbox"/> жабрланувчининг қонуний вакили	
	<input type="checkbox"/> учинчи шахсларнинг хабарлари (қўшнилари, ҳамкасблар, дўстлар)	<input type="checkbox"/> маҳалла фуқаролар йиғини вакили	
	<input type="checkbox"/> соғлиқни сақлаш муассасаси	<input type="checkbox"/> ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари	
	<input type="checkbox"/> ҳокимлик	<input type="checkbox"/> ишонч телефони	
	<input type="checkbox"/> таълим муассасаси	<input type="checkbox"/> ижтимоий тармоқлар/ мессенжерлар	
	<input type="checkbox"/> васийлик ёки ҳомийлик ташкилоти	<input type="checkbox"/> бошқа (номини ёзинг)	
<b>Мурожаатни/хабарни қабул қилиш санаси</b>	«С.С.О.О. ЙИЛ»		
<b>Нечанчи мурожаати/хабари</b> (қайта мурожаат қилганда/хабар олинганда)	<input type="checkbox"/> биринчи марта	<input type="checkbox"/> иккинчи марта	<input type="checkbox"/> уч ёки ундан ортиқ
<b>Гендер зўравонлик жабрланувчининг яшаш жойи</b>	Ҳудуд номи (вилоят, туман)		Ҳудуд коди
	Маҳалла номи, кўчаси, уйи / хонадон рақами		
<b>Тазйиқ / зўравонлик содир этилган жой</b>	Ҳудуд номи		Ҳудуд коди
	Маҳалла номи		
	<input type="checkbox"/> оила яшайдиган уйда	<input type="checkbox"/> ишда	
	<input type="checkbox"/> жабрланувчининг қариндошлари яшайдиган уйда	<input type="checkbox"/> жамоат жойида	
	<input type="checkbox"/> таълим муассасасида	<input type="checkbox"/> кўчада	
	<input type="checkbox"/> бошқа жойда	<input type="checkbox"/> бошқа	
<b>Тазйиқ ва зўравонлик содир этилишининг бошланган вақти</b> (тазйиқ / зўравонлик жабрланувчисининг сўзлари асосида ёзилади)			С.С.О.О.ЙЙ
<b>Аёл жинсига мансуб шахсга нисбатан нима содир этилган</b> (мурожаат қилувчининг сўзлари асосида хизмат тақдим этувчи томонидан аниқланади)			<input type="checkbox"/> тазйиқ <input type="checkbox"/> зўравонлик

II БЎЛИМ. ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИК ЁКИ ТАЗЙИҚДАН ЖАБРЛАНУВЧИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ			
Гендер зўравонлик жабрланувчисининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат	Паспорт / (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома / ID карта/ яшаш учун рухсатнома / бошқа) (номини ёзинг) «_____» (серия) _____ (рақам)		
Фамилияси, исми, отасининг исми			
Туғилган сана	С.С.О.О.ЙЙ		
Фуқаролиги	<input type="checkbox"/> Ўзбекистон	<input type="checkbox"/> бошқа (номини кўрсатинг)	<input type="checkbox"/> фуқаролиги йўқ шахс
Оилавий ҳолати	<input type="checkbox"/> турмушга чиқмаган	<input type="checkbox"/> турмушга чиққан	
	<input type="checkbox"/> ажрашган	<input type="checkbox"/> бева	
	<input type="checkbox"/> ёлғиз она	<input type="checkbox"/> диний никоҳда	
	<input type="checkbox"/> фуқаролик никоҳда	<input type="checkbox"/> бошқа	
Соғлиғи сабабли тиббиёт муассасаларида рўйхатда туради			<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ
Ногиронлиги бор/йўқлиги	<input type="checkbox"/> йўқ	<input type="checkbox"/> Болалиқдан ногирон	
	<input type="checkbox"/> 1 гуруҳ	<input type="checkbox"/> 2 гуруҳ	
	<input type="checkbox"/> 3 гуруҳ	<input type="checkbox"/> бошқа	
Қарамоғида борлар (вояга етмаган болалар, қариялар, ногиронлар)			<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ
Қарамоғидагилар сони (вояга етмаган болаларидан ташқари)			
Вояга етмаган болалари сони			
Жумладан, ногиронлиги бор вояга етмаган болалар	<input type="checkbox"/> йўқ	<input type="checkbox"/> 1	
	<input type="checkbox"/> 2	<input type="checkbox"/> 3 ва ундан ортиқ	
Ҳомиладорлик	<input type="checkbox"/> йўқ/номаълум	<input type="checkbox"/> ҳа (ҳомиланинг ойи)_____	
Маълумоти	<input type="checkbox"/> мактабгача / оилавий мактабгача тарбия/ таълим	<input type="checkbox"/> бошланғич таълим (1–4 синфлар)	
	<input type="checkbox"/> тўлиқ бўлмаган ўрта таълим (9 йиллик)	<input type="checkbox"/> умумий ўрта таълим (11 йиллик)	
	<input type="checkbox"/> техник, касб-ҳунар таълими (коллеж, техникум)	<input type="checkbox"/> олий маълумот (бакалавр, магистратура)	
	<input type="checkbox"/> олий ўқув юртидан кейинги таълим (PhD, фан доктори)	<input type="checkbox"/> бошқа	
Бандлиги	<input type="checkbox"/> асосий иши шахсий хўжалиқда	<input type="checkbox"/> уй бекаси	
	<input type="checkbox"/> иш берувчи/тадбиркор	<input type="checkbox"/> ишламайди, лекин иш қидирмоқда ва ишни бошлашга тайёр	
	<input type="checkbox"/> ишламайди ҳам иш қидирмайди ҳам	<input type="checkbox"/> соғлиқ туфайли ишламайди	
	<input type="checkbox"/> деҳқон ёки фермер хўжалигида ишлайди	<input type="checkbox"/> оилавий корхонларнинг (меҳнат ҳақи тўланмайдиган) ёрдамчи ишчи	
	<input type="checkbox"/> ташкилотда, корхонада ишлайди	<input type="checkbox"/> пенсионер	
	<input type="checkbox"/> йўқ (вояга етмаган)	<input type="checkbox"/> мактаб ўқувчиси	
	<input type="checkbox"/> талаба	<input type="checkbox"/> бошқа	
Ўртача даромади	<input type="checkbox"/> даромади йўқ	<input type="checkbox"/> 500 минг сўмгача	
	<input type="checkbox"/> 500 минг сўмдан 1 млн сўмгача	<input type="checkbox"/> 1 млн сўмдан ортиқ	
Илгари ҳимоя ордери берилганми		<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ

III БЎЛИМ. ТАЗЙИҚ/ЗЎРАВОНЛИК СОДИР ЭТГАН ШАХС/ШАХСЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ			
<b>Фамилияси, исми, отасининг исми</b> (агар маълум бўлса)			
<b>Ёши</b> (агар маълум бўлса)			
<b>Жабрланувчига алоқадорлиги/ қариндошлиги</b> (агар тазйиқ / зўравонлик эркак томонидан амалга оширилган бўлса)	<input type="checkbox"/> қонуний никоҳдаги эри	<input type="checkbox"/> қайнотаси	<input type="checkbox"/> ҳамкасби
	<input type="checkbox"/> диний никоҳдаги эри	<input type="checkbox"/> ўғай отаси	<input type="checkbox"/> ўқитувчиси
	<input type="checkbox"/> фуқаролик никоҳда бирга яшовчи	<input type="checkbox"/> ўғай ака/укаси	<input type="checkbox"/> синфдоши
	<input type="checkbox"/> собиқ эри	<input type="checkbox"/> бошқа оила аъзоси	<input type="checkbox"/> курсдоши
	<input type="checkbox"/> отаси	<input type="checkbox"/> васий / оталиққа олган шахс	<input type="checkbox"/> бошқа эркак
	<input type="checkbox"/> ўғли	<input type="checkbox"/> иш берувчи	<input type="checkbox"/> нотаниш эркак
<b>Жабрланувчига алоқадорлиги/ қариндошлиги</b> (агар тазйиқ / зўравонлик аёл киши томонидан амалга оширилган бўлса)	<input type="checkbox"/> қайнонаси	<input type="checkbox"/> онаси	<input type="checkbox"/> дугонаси/таниши
	<input type="checkbox"/> қизи	<input type="checkbox"/> ўғай онаси	<input type="checkbox"/> ҳамкасабаси
	<input type="checkbox"/> иш берувчиси	<input type="checkbox"/> бошқа оила аъзоси	<input type="checkbox"/> бошқа аёл
	<input type="checkbox"/> ўқитувчиси	<input type="checkbox"/> васий/ ҳомий	<input type="checkbox"/> нотаниш аёл
<b>Жабрланувчига алоқадорликлари/қариндошлиги</b> (агар зўравонлик бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилган бўлса)	<input type="checkbox"/> эрининг оила аъзолари	<input type="checkbox"/> биологик оила аъзолари	<input type="checkbox"/> васийликка олган оила аъзолари
	<input type="checkbox"/> эркак қариндошлар гуруҳи	<input type="checkbox"/> аёл қариндошлар гуруҳи	<input type="checkbox"/> номаълум
	<input type="checkbox"/> эркак ҳамкасблар гуруҳи	<input type="checkbox"/> аёл ҳамкасблари гуруҳи	<input type="checkbox"/> бошқа
<b>Маълумоти</b>	<input type="checkbox"/> тўлиқ бўлмаган ўрта таълим (9 йиллик)	<input type="checkbox"/> умумий ўрта таълим (11 йиллик)	
	<input type="checkbox"/> техник, касб-ҳунар таълими (коллеж, техникум)	<input type="checkbox"/> олий маълумот (бакалавр, магистратура)	
	<input type="checkbox"/> олий ўқув юртидан кейинги таълим (PhD, фан доктори)	<input type="checkbox"/> номаълум	
<b>Бандлиги</b>	<input type="checkbox"/> ташкилотда, корхонада ишлайди	<input type="checkbox"/> асосий иши шахсий хўжалиқда	
	<input type="checkbox"/> иш берувчи/ тадбиркор	<input type="checkbox"/> ишламайди, лекин иш қидирмоқда ва ишни бошлашга тайёр	
	<input type="checkbox"/> ишламайди ҳам иш қидирмайди ҳам	<input type="checkbox"/> талаба/ўқувчи	
	<input type="checkbox"/> деҳқон ёки фермер хўжалигида ишлайди	<input type="checkbox"/> оилавий корхонларнинг (меҳнат ҳақи тўланмайдиган) ёрдамчи ишчи	
	<input type="checkbox"/> пенсионер	<input type="checkbox"/> соғлиқ тўфайли ишламайди	
	<input type="checkbox"/> номаълум	<input type="checkbox"/> бошқа	
<b>Ўртача даромади</b>	<input type="checkbox"/> даромад йўқ	<input type="checkbox"/> 500 минг сўмгача	
	<input type="checkbox"/> 500 минг сўмдан 1 млн сўмгача	<input type="checkbox"/> 1 млн сўмдан 2 млн сўмгача	
	<input type="checkbox"/> 2 млн сўмдан ортиқ	<input type="checkbox"/> номаълум	
<b>Профилактик рўйхатда туради</b>			<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ
<b>Соғлиғи сабабли тиббиёт муассасаларида рўйхатда туради</b>			<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ
<b>Муқаддам судланган</b>			<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ
<b>Ногиронлиги бор</b>			<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ
<b>Турли моддаларни истеъмол қилади</b>	<input type="checkbox"/> Йўқ		<input type="checkbox"/> Ҳа
	<input type="checkbox"/> спиртли ичимликлар		<input type="checkbox"/> гиёҳванд моддалари
	<input type="checkbox"/> транквилизаторлар		<input type="checkbox"/> тамаки
	<input type="checkbox"/> бошқа (номини ёзинг)		<input type="checkbox"/> номаълум

<b>IV БЎЛИМ. ТАЗЙИҚ/ЗЎРАВОНЛИК ҲОДИСАСИНИ БАҲОЛАШ</b> (ушбу бўлим хизмат тақдим этувчилар томонидан гендер зўравонлик инцидентини/ҳодисасини ишончли идентификация қилиш учун зарур бўлган ваколат ва махсус тайёргарлик асосида тўлдирилади)		
<b>IV.1.ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИГИ ЖАБРЛАНУВЧИСИГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛГАН ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ТУРЛАРИ ВА КЎРИНИШЛАРИ</b>		
<b>Жисмоний зўравонлик қандай амалга оширилди</b>	<input type="checkbox"/> зарар келтириши мумкин бўлган нарсани/предметни отиш	<input type="checkbox"/> шапалоқ / мушт билан уриш
	<input type="checkbox"/> итариш, суриш, сочидан тортиш	<input type="checkbox"/> уриш, тишлаш ёки судраш
	<input type="checkbox"/> бўғиш / бўғишга уриниш	<input type="checkbox"/> тана қисмлари (қўллар, оёқлар) билан уриш)
	<input type="checkbox"/> тўмтоқ, кесувчи, тиғли буюмлар ва қурол билан таҳдид қилиш	<input type="checkbox"/> буюмлар билан уриш (камар, меҳнат қуроллари ва бошқалар)
	<input type="checkbox"/> куйдириш	<input type="checkbox"/> уйқудан маҳрум қилиш
	<input type="checkbox"/> заҳарли, токсик моддалар бериш	<input type="checkbox"/> электр токи, электр жиҳозларидан фойдаланиш
	<input type="checkbox"/> ёнувчан суюқлик, кимёвий моддалар тукиш/сепиш	<input type="checkbox"/> тўмтоқ, кесувчи ва тиғли буюмлар билан уриш, қурол ишлатиш
	<input type="checkbox"/> ўқ отар қуроллардан фойдаланиш	<input type="checkbox"/> бошқа
<b>Рухий зўравонлик қандай амалга оширилди</b>	<input type="checkbox"/> бошқа одамлар олдида камситиш ёки ғурурига тегиш (лақаб қўйиш, калака қилиш, ҳақорат қилиш, сўкиш, қўрқитиш, қадрсизлантирувчи ҳазиллар)	<input type="checkbox"/> ҳақорат қилиш ва айб, уят, қўрқув каби салбий ҳис-туйғуларни бошдан кечирришга мажбур қилиш
	<input type="checkbox"/> жабрланувчининг қадр-қимматини доимий оғзаки равишда камситиш	<input type="checkbox"/> қасддан қўрқитиш ёки таҳдид қилиш
	<input type="checkbox"/> ота-она ва қариндошлар билан кўришишни тақиқлаш	<input type="checkbox"/> жабрланувчини ажратиш, унинг оила аъзолари ёки дўстлари билан кўришишни тақиқлаш
	<input type="checkbox"/> яқинларига зарар етказиш билан таҳдид қилиш	<input type="checkbox"/> жабрланувчини эйтиборсиз қолдириш, унга нисбатан бефарқ муносабат
	<input type="checkbox"/> борган манзилени назорат қилиш	<input type="checkbox"/> болаларга нисбатан тажавузкорлик
	<input type="checkbox"/> хиёнат қилганлиги тўғрисида асоссиз айбловларни илгари суриш	<input type="checkbox"/> аёл бошқа эркаклар билан гаплашганда, ғазабланиш ҳолатига тушиш
	<input type="checkbox"/> бола / болалардан маҳрум этиш таҳдиди	<input type="checkbox"/> жабрланувчини ижтимоий вазифаларини бажармаётганликда мунтазам айблаш
	<input type="checkbox"/> уй ҳайвонлари ва уй-рўзғор буюмларига намойишкорона зарар етказиш	<input type="checkbox"/> ўз жонига қасд қилиш / ўзига зарар етказиш билан қўрқитиш
	<input type="checkbox"/> жабрланувчининг шахсий мулоқотларини (мобил телефон, ижтимоий тармоқлар) кузатиш ва назорат қилиш	<input type="checkbox"/> шахсий маълумотларни ижтимоий тармоқларда / мессенжерларда жойлаштириш билан таҳдид
	<input type="checkbox"/> хизмат ваколатлари ва ҳокимиятини қўллаш	<input type="checkbox"/> шикоят қилса ишдан бўшатиш билан таҳдид қилиш
	<input type="checkbox"/> жабрланувчининг ақлдан озганлигига ишонтириш (ўзининг руҳий саломатлиги ҳақида ташвишланишга мажбур қилади)	<input type="checkbox"/> ўз жонига қасд қилиш ёки ўз-ўзига шикаст етказиш
	<input type="checkbox"/> бошқа	<input type="checkbox"/> бошқа

<b>Жинсий зўравонлик қандай амалга оширилган</b>	<input type="checkbox"/> жинсий шилқимлик	<input type="checkbox"/> оғзаки таҳқирлаш, таҳдидлар, шаҳвоний мазмундаги шарҳлар
	<input type="checkbox"/> мажбурий жинсий алоқа	<input type="checkbox"/> инцест (қондош бўлган оила аъзолари томонидан жинсий алоқага мажбурлаш)
	<input type="checkbox"/> тана аъзолари билан исталмаган тегинишлар орқали шаҳватини қондириш	<input type="checkbox"/> эксгибиционизм (жинсий аъзоларни нотаниш одамларга намойиш қилиш)
	<input type="checkbox"/> аёл / қиз билан унинг розилигисиз жинсий алоқа қилишга уриниш (зўрлашга уриниш)	<input type="checkbox"/> аёл / қиз билан унинг розилигисиз жинсий алоқа қилиш (зўрлаш)
	<input type="checkbox"/> жинсий эҳтиёжларни ғайритабиий йўллар билан қондириш	<input type="checkbox"/> предметлар билан шаҳвоний ҳаракатлар (кичик бўлса ҳам)
	<input type="checkbox"/> порнографик материалларни кўришга мажбур қилиш	<input type="checkbox"/> порнографик мақсадларда ҳаракатларни бажаришга мажбурлаш (фото, видеофильм)
	<input type="checkbox"/> вояга етмаганни жинсий тусдаги ҳаракатларни бажаришга мажбурлаш	<input type="checkbox"/> жинсий эксплуатация
	<input type="checkbox"/> бошқа одам билан жинсий алоқада бўлишга ундаш	<input type="checkbox"/> шавқатсиз жинсий алоқа актлари
	<input type="checkbox"/> бошқа	<input type="checkbox"/> бошқа
